



**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA`LIMI
VAZIRLIGI MUQIMIY NOMIDAGI QO`QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI**

PEDAGOGIKA FAKULTETI

MAKTABGACHA TA`LIM YO`NALISHI

IV “B” guruh talabasi

Yo`ldasheva Madinanaing

*5141700-maktabgacha ta`lim yo`nalishi bo`yicha bakalavr darajasini
olish uchun*

**“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ
ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ”
mavzusidagi**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ilmiy rahbar:

M. Esonova

Qo`qon – 2014

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ – ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

1.1 Мактабгача таълим муассасасида таълим жараёни қатнашчилари

1.2 Мактабгача таълим муассасаси, тарбиячи ва оила

1.3 Тарбиячининг оилалар билан мулоқот қилиш стратегиялари

Боб бўйича хулосалар

II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1 Ота-оналар учрашувлари ва йиғилишлар

2.2 Оилалар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш

2.3 Оила билан ҳамкорликда болани мактабга тайёрлаш имкониятлари

Боб бўйича хулосалар

Умумий хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда таълим ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётнинг энг муҳим йўналишидир. Таълимнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган.

Республикамызда таълимнинг асосий мақсади бизнинг демократик эркин давлат кураётганимиз, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлида изчил бораётганимиз билан бевосита боғлиқ. Чунки давлатнинг буюк келажаги ўз фуқароларининг маълумотлилигига, маданиятига, бунёдкорлигига таянади.

Юкорида кайд этилган талаблар педагоглар олдига жуда катта вазифаларни қўяди. Педагогнинг вазифаси тинч, осойишта ҳаётимизга қарши турли таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама билимдон, баркамол ва рақобатбардош этиб тарбиялаш, уларни бегона ва зарарли ғоялардан сақлаш, ўз юртига садоқатли инсонлар қилиб етиштириш билан белгиланади. Хўш бу вазифа қаерда ва қандай бажарилиши керак?

Маълумки, инсонни вояга етишида учта омил: насл, оила, муҳит муҳим ўрин тутаяди. Бу омилларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Баркамол шахсни тарбиялашда ана шу уч омил ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга эътибор қаратилиши лозим. Бу масалада узлуксиз таълимнинг бош бўғини ҳисобланган мактабгача таълим муассасаларининг ўз ўрни мавжуд.

Республикамызда бугунги кунга келиб, 4978 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда. Улардаги тарбиячилар сони айни пайтда 36948 нафарни ташкил этса, шундан ўртача ҳисобда 30300 нафардан ошиғи ўрта махсус маълумотли. Агарда рақамлардаги таҳлилларга эътибор қаратсак мактабгача таълим муассасаларида ўрта махсус маълумотли тарбиячилар 82% ни ташкил этмоқда.

Тарбиячи-ўқитувчиларнинг вазифалари бир, лекин таълим бериш усуллари, педагогик маҳорати турлича. Айни вақтда педагогнинг касбий маҳорати уларда умумий маданият ва ақл-заковатнинг юқори даражада ривожланганлиги, уларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасида билимлар билан қуролланганлиги, ўқитиш ва тарбиялаш ишлари тажрибасидан эркин ва усталик билан фойдалана билиши, ўқув-тарбия ишлари методикасини мукамал эгаллаганлиги, мутахассислигига доир кенг ва чуқур билим соҳиби бўлиши кабилар билан эътироф этилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида муваффақиятли фаолият олиб боришда маҳоратли педагог болалар ва уларнинг хатти-ҳаракати юзасидан оилалар билан самимий алоқада бўлиши ниҳоятда муҳим. МТМ ва оила бири-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳамда улар ўртасида алоқа қанчалик яхши йўлга қўйилса, бола шунча кўп ёрдам олади ҳамда унинг дастлабки таълим тажрибаси муваффақиятли бўлиши эҳтимоли ортади. Тиғиз иш шароитида оила билан доимий алоқа учун вақт топиш ҳамиша ҳам осон эмас, лекин тарбиячилар боланинг муваффақиятлари учун уни жуда муҳим деб ҳисоблашса, у кундалик ишнинг бир қисмига айланиши мазкур битирув малакавий ишимизнинг долзарблигини белгилайди ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг оила билан ҳамкорлиги жараёнини ўзига хослигини эътироф этиш имконини беради.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг оила билан ҳамкорлиги жараёнини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг мақсадига мос равишда қуйидаги **вазифалар**ни амалга ошириш белгиланди:

1. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг оила билан ҳамкорлиги – ижтимоий педагогик муаммо сифатида асосланди
2. Мактабгача таълим муассасасида таълим жараёни қатнашчилари фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги назарий таҳлил қилинди.

3. Тарбиячининг оилалар билан мулоқот қилиш стратегиялари педагогик-психологик жиҳатдан ёритиб берилди.

4. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг оила билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

5. Ота-оналар учрашувлари ва йиғилишлар, ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

6. Оила билан ҳамкорликда болани мактабга тайёрлаш имкониятлари таҳлил қилинди.

Битирув малакавий ишининг объекти: мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг оила билан ҳамкорлиги жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети: мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг оила билан ҳамкорлиги жараёнининг таркибий тузилиши, изчиллиги, уни амалиётга тадбиқ этиш йўллари.

Ишнинг тузилиши: битирув малакавий иши ____саҳифани ташкил этиб, кириш, икки боб, ҳамда 6 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1 Мактабгача таълим муассасасида таълим жараёни қатнашчилари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин таълим тизимини ривожлантириш борасида бир қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Узлуксиз таълим тизимини шакллантириш, шунингдек, таълим мазмунини янгилаш таълим соҳасидаги ислохотларнинг бош ғояси сифатида этироф этилади. Шу боис узлуксиз таълим тизими доирасида фаолият олиб борувчи таълим муассаларида илғор, демократик ҳамда инсонпарвар ғояларга таянган ҳолда янгича мазмунга эга бўлган таълим жараёнини ташкил этиш муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги кунда амалга оширилаётган таълимий ислохотлар жараёнида мактабгача таълим учун малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Узлуксиз таълим тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон таълим стандартлари талаблари даражасига олиб чиқиш давлат сиёсатининг устивор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Шу билан биргаликда, малакали мутахассислар, уларнинг интеллектуал ижодий салоҳияти, касбий тайёргарлиги туфайли мактабгача таълим тизимида юқори самарадорликка эришиш мумкин. МТМ тарбиячилари фаолият самарадорлигини ошириш тарбиячилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини узвийлигини таъминлаган ҳолда аниқ мақсадга йўналтирилган, изчил, тизимли ва узлуксиз ташкил этилувчи таълим жараёнларини ташкил этиш заруриятини белгилайди. Ушбу жараённинг самарали ташкил этилишида таълим муассасасининг малакали кадрларга эгаллиги, методик таъминотнинг бойлиги, фаолият жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этилиши, шунингдек, бўлажак тарбиячиларнинг

амалий фаолият асосларини пухта ўзлаштиришга бўлган қизиқиш даражаси ва таълим технологиялари муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқ таълими тизими фаолиятини меъёрлаштирувчи “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом” каби муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинди.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддаси орқали фарзандлар тарбияси ва таълим олишлари, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси борасида ота-оналарнинг ўрни ва жавобгарлиги оширилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом” каби муҳим давлат ҳужжатида МТМда таълим жараёнининг қатнашчилари қуйидагича белгилаб қўйилган: мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимлар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашлари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари мактабгача таълим муассасаларининг уставларида белгиланади. Васийлик кенгашларининг фаолияти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом асосида амалга оширилади.

Болаларни қабул қилишда мактабгача таълим муассасаси ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни муассасанинг устави ва унинг фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар билан таништириши шарт.

Мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан тартибга солинади. Шартнома ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парвариш қилиш

жараёнида пайдо бўладиган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ўз ичига олади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

✓ ўз болалари учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шаклларини, мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;

✓ мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан мактабгача таълим муассасасининг уставига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш;

✓ боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

✓ болаларнинг болалар мактабгача таълим муассасасидаги ҳаёт кечиришини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

✓ режим доирасида улар учун қулай бўлган исталган вақтда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар МТМ билан ишлашда қуйидагиларга мажбур:

✓ болаларнинг жисмоний ва психик соғлиғи учун ғамхўрлик қилиш;

✓ боланинг кадр-қимматиغا ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат фазилатларини, ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялаш;

✓ белгиланган нормативларга мувофиқ болалар боғчасида боланинг таъминотиغا тўловни ўз вақтида тўлаш;

✓ болаларни оилада тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

✓ болаларнинг тўлақонли овқатланишини, уларда шахсий гигиена кўникмалари шакллантирилишини қатъий кузатиб бориш, болани мактабгача таълим муассасасига озода кийинган ҳолда олиб келиш.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олишлари мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходимлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, боланинг шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий хусусиятларига мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

Тегишли педагогика маълумотиغا, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Суд ҳукми билан ёки тиббий хулосага мувофиқ педагогик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг ушбу фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва имтиёзлари қонун ҳужжатларида, мактабгача таълим муассасаси уставида, шунингдек меҳнат шартномаси (контракт)да белгиланади.

Мактабгача таълим муассасасининг педагог ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– мактабгача таълим муассасасини бошқаришда муассаса уставида белгиланадиган тартибда қатнашиш;

– ўз касбий шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш.

Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Педагог ходимлар қуйидагиларга мажбур:

– болаларни юқори профессионал даражада ўқитиш ва тарбиялаш;

– педагог ахлоқ-одобига риоя қилиш, боланинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, болаларни тазйиқдан ҳимоя қилиш, уларни меҳнатга, ота-

онага ҳурмат, атроф муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

– ўз малакасини белгиланган тартибда, ҳар уч йилда ошириб бориш;

– ўзининг касбий кўникмаларини ва педагогик маҳоратини доимий равишда такомиллаштириш.

Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

1.2 Мактабгача таълим муассасаси, тарбиячи ва оила

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам кўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиши кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Болани бирор нарсага ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш ҳамда унда “Мен” концепциясини шакллантириш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом” га мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, оналарнинг мустақил равишда таълим ва тарбия бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек, муассасага жалб қилинмаган болалар учун мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим муассасасида ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш

хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий кийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Мустақил давлат сифатида Республиканинг жаҳон мамлакатлари, хусусан, ривожланган давлатлар билан интеграциялашувига эришиш, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш, ижтимоий муносабатларнинг бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ ташкил этилишини таъминлаш, шунингдек, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш каби масалаларнинг ижобий ҳал этилиши ижтимоий, иқтисодий ҳамда маърифий йўналишларда фаолият юритаётган субъектларнинг олдида турган асосий вазифалар саналади. Мазкур вазифаларнинг ҳал этилиши ягона мақсад атрофида бирлашиш, шунингдек, бу йўлда ташкил этилувчи амалий ҳаракатларнинг изчил, узлуксиз ва тизимли бўлишига эришишни тақозо этади.

Узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлашда таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг роли бениҳоят каттадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида: «Тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги, бой ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахсларгина педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга»¹, - деб таъкидланган. Бу ҳужжат талабларини бажариш учун педагогларда касбий маҳорат ва компетентликни ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Маълумки, бугунги болалар доимий равишда ижтимоий, сиёсий, экология, илмий, техникавий ва индустриал соҳалардаги ўзгаришлар билан тўқнаш келишларига тўғри келади, ушбу ўзгаришлар пировардида жамият учун зарур касблар мажмуининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Хозирги дунёда содир бўлаётган тезкор ўзгаришлар болаларнинг доимий равишда

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 5-модда. Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.21

янги нарсаларни ўзлаштиришини, бутун умри давомида ўқишини тақозо қилади.

Бугунги кун ёшлардан XXI аср муаммоларини ҳал этиш учун ҳаётий зарур қобилиятлар асосини яратишга ҳаракат қилади. Бундай қобилиятлар жумласига биз қуйидагиларни киритамиз:

- ўзгаришларни қабул қилиш ва амалга ошириш;
- танқидий фикрлаш;
- танлашни амалга ошириш;
- муаммоларни қўйиш ва ҳал этиш;
- ижодни, фантазияни ва ихтирочиликни намоён этиш;
- одамлар, жамият, мамлакат, атроф-муҳит тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Ҳар бир бола алоҳида ҳолда ўсади ва ривожланади, бироқ шунга қарамай барча болалар ривожланишнинг маълум кетма-кетликдаги босқичларидан ўтадилар. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида бир хил ёшдаги болалар учун умумий бўлган хусусиятлар кузатилади. Бола қайси ёш давридаги психологик ва физиологик хусусиятларини бошдан кечирмасин, улар ҳаддан ташқари ўз оиласига боғлиқ бўлади, чунки оила:

- яшаши, овқатланиши, кийиниши, соғлиги ҳақида қайғуриш орқали уларнинг жисмоний соғ-саломатлигини;
- меҳр-муҳаббат, қўллаб-қувватлаш, нима яхшию нима ёмонлиги тўғрисида доимий равишда эслатиб туриш воситасида ҳис-туйғуларининг жўшқинлигини;
- мулоқот қилиш, эмаклаш, юриш, югуриш, тирмашиш, ўйнаш, шунингдек, янги таассуротлар олиш имкониятлари билан уларнинг камол топиши учун шарт-шароитларни таъминлайди.

МТМ тарбиячилари оиланинг болани илк тарбиячиси сифатидаги устивор мавқеини эътироф этишлари жуда муҳим. Замонавий МТМ тарбиячиси ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар

жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

1.3 Оилалар билан мулоқот қилиш стратегиялари

Бола воситасида оила билан мулоқот қилиш – мураббийлар жамоаси мажбуриятларининг муҳим қисми ҳисобланади. Барча оилалар ўз болаларининг бахт-саодатидан манфаатдор ва уларнинг яхши ва мамнуният билан ўқишларини истайдилар. Шунинг учун оила аъзолари унинг ютуқларидан хабардор бўлишни хоҳлайдилар. Педагоглар ота-оналар билан бола ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштириш ва имкон қадар самарали ишлаш учун боланинг уйдаги ва МТМдаги ҳолати, унинг кучли ва заиф томонларини, ташвиш туғдирадиган барча жиҳатларни мамнуният билан муҳокама қилишлари керак.

Мулоқотлар очиқча ва ишончли бўлиши учун албатта вақт талаб қилинади. Айрим ота-оналар МТМда бўлиш борасида ўз салбий тажрибаларига эга бўлиб, тарбиячилар даврасида баъзан ўзларини ноқулай ҳис қилишади. Бошқалар эса тарбиячилар “қандай бўлиши керак”лигини ҳамиша биладилар, деб ҳисоблайдилар ва улар билан музокара олиб боришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайди. Шунингдек, тарбиячиларда ҳам баъзан болаларни қандай тарбиялаш тўғрисида маслаҳат берадиган ота-оналар билан алоқада бўлишга нисбатан салбий тажриба бўлади. Бундай ҳолатлар мўътадил алоқа ўрнатишга халақит бериши мумкин. Оиладан олинadиган маълумот қанчалик муҳимлиги ҳақида аввал бошдан ота-оналар билан гаплашиб олиш ва буни уларга тушунтириш зарур.

Тадқиқотларда диққат билан эшита билиш – очиқча мулоқотнинг муҳим шarti эканлиги исботланган. “Саид уйда нима билан шуғулланишни яхши кўради?” ёки “Дилдора болалар боғчаси ҳақида сизга нималарни ҳикоя қилади?” каби очиқ саволларни бериш билан маҳоратли тарбиячи ота-оналарга ўз болалари тўғрисида ҳикоя қилишлари учун имкон яратади. Мулоқотга киришар экан, тарбиячилар ота-оналар учун тушунарли, равшан

бўлган тилдан фойдаланишлари ва уларга савол бериш имкониятини беришлари керак.

Махоратли МТМ тарбиячиси оилалар билан алоқа қилишда қуйидаги тамойилларга риоя қилади:

- Вақт топади, имконият яратади ҳамда ота-оналарнинг ўз фикр-мулоҳазалари, қувончлари, ташвишлари ва ниятларини гапириб беришларини қўллаб-қувватлайди.
- Кўз-кўзга тушиб суҳбат қилиш мумкин бўлган жойни танлайди ва маълумотларга ҳамиша махфий сир сифатида муносабатда бўлади.
- Оилалар тарбиячилар билан энг шахсий маълумотларни ўртоқлашадилар, бинобарин, уларни сир сақлаш муҳим.

Ишлайдиган ота-оналарда кўпинча бўш вақт жуда кам бўлади. Шунинг учун тарбиячилар оилалар билан суҳбатлашиши мумкин бўлган табиий норасмий вазиятлар боғча ва уй ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун жуда муҳим.

Етакчи психологларнинг эътироф этишларича, кўпгина тарбиячилар ота-оналар билан алоқа қилиш учун улар болаларини боғчага олиб келган ёки боғчадан олиб кетаётган вақтдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бу вақтда улар ота-оналарга кун мобайнидаги воқеалар, боланинг муваффақиятлари тўғрисида хабар беришлари, ўтказилиши режалаштирилган мажлис ва бошқа нарсалар ҳақида эслатишлари мумкин (лекин бунда боланинг қандайдир муаммолари (агар улар бўлса) тўғрисида сўз очмаган маъқул). Куннинг аввали ва охирида ота-оналар бир-бирлари билан мулоқот қилишлари, тарбиячиларга саволлар беришлари, учрашув ҳақида сўрашлари, болалар билан ўйнашлари, уларга китоб ўқиб беришлари мумкин.

Ота-оналарнинг имкониятларидан келиб чиқиб, мулоқот учун норасмий вақт белгиланганда учрашув жадвали ўзгарувчан қилиб тузилиши ҳамда кун аввали ва охиридаги эркин суҳбатлашиш шароитига мувофиқлаштирилиши керак. Ота-оналарнинг боғча остонасини ҳатлаб ўтар-ўтмас болаларини шоша-пиша ташлаб кетишларидан иборат ҳолатларни

камайтириш учун шундай тартиб ўрнатиш керакки, унга мувофиқ ота-оналар болани гуруҳ турган ергача кузатиб келишлари ва унинг бошланаётган кунни ўтказишга тайёргарлик кўришига кўмаклашишлари керак бўлади.

Яна шуни ҳам эътироф этиш керакки, тарбиячилар ва болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлиши керак. Болалар боғчасида гуруҳ деб аталувчи уюшмада ҳурмат зарур таркибий элемент ҳисобланади. Тарбиячилар улар болалардан кутадиган ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш ва бир-бирига ғамхўрлик кўрсатишда намуна бўладилар. Болалар бошқа болалар билан ижодий ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворини қўяди.

Педагоглар гуруҳдаги ҳар бир болага ҳурмат кўрсатсалар, болалар қолган барча болаларни – секин югурувчиларни ҳам, аъло даражада расм чизувчиларни ҳам ва хатто кам учрайдиган ёки зиддиятли феъл атворли болаларни ҳам қабул қилишни ўрганадилар. Болалар бошқалар уларнинг ҳар бирини қабул қилишлари ва ҳурмат қилишларини кўрганларида ҳамда сезганларида ўзларини қулай ҳис қиладилар ва эркин тутадилар, шу билан бирга ўзларининг шахсий қизиқишларини амалга оширадилар.

Тарбиячилар шуни тушуниб етишлари керакки, болалар ҳам катталардек ўзларига билдирилган самимиятни ҳис этадилар ва сезадилар. Болаларни улар бажарган иш натижалари учун мақташ самимиятни талаб этади, ўзаро таъсир табиий ҳолда ва мажбур этмаслик тарзида бўлиши лозим.

Ўз устида ишлайдиган ва маҳоратини узлуксиз ошириб борадиган тарбиячи мактуб ва кундаликлардан фойдаланиши ҳам мумкин. Шунингдек, бола орқали ота-оналарга мактуб жўнатиш йўли оилалар ва педагоглар жамоаси ўртасидаги яқинликни таъминлашга ёрдам беради. Бу боланинг янги муваффақиятлари тўғрисидаги қисқагина хабар ёки раҳматнома бўлиши ҳам мумкин. Одатда ота-оналар бундай мактубларни қизиқиш билан ўқийдилар ва жавоб йўллашга ҳаракат қиладилар.

Бундан ташқари алоқалар ривожига тарбиячилардан ота-оналарга юбориладиган, улардан яна тарбиячиларга қайтариладиган кундаликлар (ёки алоқа дафтари) катта рол ўйнайди. Хусусан, ота-оналарнинг вақти жуда

чекланган ёки оилада телефон бўлмаганда бу ўзаро алоқанинг жуда яхши усули ҳисобланади. Агар болада қандайдир шикоят ёки муаммолар бўлса, кундалик доимий алоқани таъминлайди ҳамда ота-оналар ёки педагоглар жамоасини у ёки бу ўзгаришлардан хабардор қилади. Бу усул айниқса, ота-оналар учун қўл келади. Чунки улар ўз фикрларини ёзма шаклда осон ифодалайдилар.

Боб бўйича хулосалар

Хулоса қилиб айтганда, оила бу – қудратли куч, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида кафолатланган ижтимоий институтдир. Таҳлилларимиз асосида бола тарбияси борасида МТМ ва оиланинг самарали ҳамкорлигига эришиш тарбиячининг қай даражада педагогик маҳоратни эгаллаганлигига боғлиқдир. Демак, оила билан ҳамкорлик шахсни илк тарбиялаш тизими сифатида боланинг дунёқараши, маънавий оламининг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Ёш тарбияланувчиларни миллий руҳда Ватанни севиш, ота-она ва атроф-муҳитга бўлган ҳурмат, ўзлигини англаш каби туйғуларни шакллантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини оила ва таълим тизимининг энг қуйи босқичидан бошлаш ўзбекона тарбиянинг исбот талаб қилмас ва эскирмас қонуниятидир. Шундай экан, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини янада ошириш; ота-оналар ўртасида психологик ва педагогик фанларнинг энг сўнгги ютуқларини кенг тарғиб этиш, ота-оналар ва мактаб ўқитувчилари билан турли мавзуларда катта-кичик ноанъанавий йиғилишлар, тадбирлар машҳур ҳар соҳанинг вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш, бадиий кечалар ўтказиб туриш, болалар кўз ўнгида маънавий бой шахсларни гавдалантириш, авлодлардан фахрланиш ва уларга мос фарзандлар бўлиш ҳиссини уйғотиш лозим.

Тарбиячи, тарбияланувчи ва унинг ота-онаси билан яқка тартибда иш олиб бориши, ҳар нарсада шахсий намуна кўрсатиши лозим.

Юз ҳаракатларини яхши эгалламаган, ўз ўзига зарур маъноларни бера билмайдиган ёки ўз қайфиятини ушлаб тура олмайдиган киши яхши тарбиячи- ўқитувчи бўлиши мумкин эмас. Тарбиячи ташкилотчи бўлиши, бола ва ота-она психологиясини билиши, ўзини шундай тутиши лозимки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбия олувчини тарбияласин. У айна вақтда нимани исташини ва нимани истамаслигини ҳар доим билиши керак. Қискача қилиб айтганда, тарбиячи фаолият юритаётган гуруҳидаги тарбияланувчилар

ўзларини эркин ҳис қилишлари, ривожланишлари ва тенгқурлари ҳамда катталар билан тўсиқсиз мулоқот қилишлари учун шароит яратиши лозим.

Ҳозирги вақтга келиб тарбия санъатида сабр-тоқат, туғма қобилият, малака ва кўникмагина эмас, балки энг муҳими малакадан ташқари яна махсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч ҳосил қилинди. Тарбиячи – етакчининг асосий сифати – бошқаларга мавҳум ёки умуман кўринмаган мақсад ва муаммоларни аниқ кўра олишидадир.

II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1 Ота-оналар йиғилишлари ва учрашувлар

Одатда тарбиячилар ҳам боланинг оила аъзолари ҳам МТМга қатнаш бўйича ўзларининг бой тажрибаларига эга ҳисобланадилар. Бу тажриба уларнинг тарбиячилар ва ота-оналарнинг ишни ҳамкорликда ташкил қилиш масаласига ўз таъсирини кўрсатади. Аксарият ҳолларда, оила ва муассасанинг роли бу сўз кенг маънода бир-биридан ажратилган. Ота-оналар болаларини муассаса эшигида қолдирадилар ва бу эшик ортида нималар бўлиши ҳақида жуда оз биладилар. Тарбиячилар болага унинг боғчада бўлган даври учунгина жавоб беришга кўникадилар. Бунинг учун улардан оилалар билан ўзаро алоқа ўрнатиш талаб қилинмайди. Шунинг учун тарбиячилар ҳам ота-оналар ҳам қандай қилиб ахборот алмашув, ҳамкорликда режалаштиришни амалга ошириш, болалар гуруҳида биргаликда ишлашни билмасликлари мумкин ва бунинг натижасида янги талаблар олдида ўзларини ноқулай ҳис қилишлари табиий. Бундай шароитда тарбиячилар ва ота-оналарга МТМ ҳаёти билан ҳамкорлик масаласини тушунтириш бирмунча қийин кечиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин ўз даврида буюк файласуфлардан бири Сенека “Ҳар қандай ўзгариш – ўзгаришни хоҳлашдан бошланади” деган эди.

Маълумки, ота-оналар йиғилишининг бир неча кўринишлари бор: йўл-йўриқ берувчи, маслаҳат берувчи, норасмий ва ўзаро қўллаб-қувватловчи.

Йўл-йўриқ берувчи йиғилишлар семинар шаклида ўтказилади. Қоида бўйича мутахассис четдан чақирилади ва унинг ёрдамида ота-оналарнинг кизиқишлари асосида танланган маълум мавзу муҳокама қилинади.

Айрим мавзулар, масалан боланинг ўсиши ва ривожланиши маъруза тарзида ҳам тақдим этилиши мумкин. Бошқа мавзуларни ўзлаштириш

тажриба тариқасида амалга оширилади, бунда ота-оналар айрим кўникмалар-масалан, муносабат, алоқа кўникмаларини эгаллайдилар.

Болалар боғчаси ота-оналар кўмитасининг расмий йиғилиши бир йилда тўрт марта ўтказилади. Бундай йиғилишларнинг мақсади, ахборот тўплаш ва ота-оналар ўртасида ўзаро фикр алмашишдир. Бу ерда ота-оналар иштироки билан боғлиқ учрашувлар, кечалар ўтказиш ва бошқа тадбирлар режалаштирилади.

Норасмий йиғилиш ёки учрашувлар – бундай пайтда ота-оналар ўз таассуротларини ўзаро баҳам кўрадилар. Бундай учрашувларни ота-оналарнинг ўзлари режалаштирадилар ва педагогларнинг қўллаб-қувватлаши асосида ташкил этадилар. Бундай учрашувларнинг шакли турлича бўлиши мумкин. Масалан, турли тадбирлар, байрам кечалари ва ҳ.к.

Ўзаро қўллаб-қувватлаш гуруҳи одатда бир қанча оилада муҳокама учун умумий мавзу вужудга келганда тузилади. Аксарият ҳолларда йўл-йўриқ берувчи йиғилишда бир қанча ота-оналарда қайсидир мавзуга алоҳида қизиқиш пайдо бўлиб, ўша мавзу бўйича янада кўпроқ ахборот олишга интилиш ортади. Умумий муаммоларга эга бўлган оилалар тажриба ва мулоҳаза алмашган ҳолда бирлашишлари ва бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари мумкин. Қўллаб-қувватлаш гуруҳи фақат оталардан ёки оналардан ёки бўлмаса яқка ҳолдаги ота-оналардан тузилиши мумкин; ривожланишда орқада қолган болаларнинг ота-оналар гуруҳи ёки бўлмаса болаларни асраб олган ота-оналар гуруҳи ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Ота-оналар оилавий хонада урашганларида ва ўз муаммоларини муҳокама қилганларида норасмий ўзаро қўллаб-қувватлашнинг бир талай имкониятлари мавжудлиги кўзга ташланиб қолади. Мувофиқлаштирувчи улар учун жой ва шароитни ташкил этган ҳолда бундай алоқани ҳар томонлама рағбатлантириши лозим.

Маҳоратли педагог томонидан болалар боғчаси ҳаётига эркакларни ҳам жалб қилиш, ҳар бир бола уларнинг ҳам ардоғида бўлишини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш лозим. Баъзан кун тартиби ёки биринчи

учрашув оналар билан бўлгани сабаб эркаклар бу ишдан четда қолиб кетадилар.

Оталарни МТМ билан ҳамкорликка жалб қилиш таклифи олға сурилаётган экан, бунинг учун боланинг яқинлари сирасидан бўлган эркакларга мўлжалланган махсус тадбирларни режалаштириш керак. Барча болаларни оталари билан ёки эркак жинсидаги яқинлари билан улар учун ташкил этилган тадбирга таклиф қилиш мумкин. Оталарнинг МТМдаги педагогик жараёнларга қай тарзда иштирок этишларини аниқлаштириш, яъни улар балким, устачилик қилишни, овқат тайёрлашни биладилар ёки санъатдан машғулот ўтказиш учун хонани жиҳозлашга ёрдам беришлари мумкин.

Маҳоратли тарбиячи бир-бирларини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари учун икки нафар отани гуруҳга ёки йиғилишга биргаликда келишга таклиф этади, оталар бир-бирлари билан учрашишлари ва ўз болалари тўғрисида фикр алмашишлари учун тадбир ташкил этади.

оила билан ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилган МТМларда эркаклар учун ва эркаклар бошқарадиган махсус машғулотлар ташкил этилади. Бу машғулотларда тингловчилар ўзларини дадил ҳис этадилар, оталарга ўз фарзандлари билан вақтни қандай қилиб қизиқарли ўтказиш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар берилади. Ота-оналар учун қувноқ кечалар ташкил этилади, ва унга оналар ҳам, оталар ҳам келишига таклиф қилинади.

Ота-оналар йиғилишлари учун мавзуларни танлашда уларга қуйидаги рўйхат тақдим этилиши мумкин:

- боланинг ўсиши ва ривожланиши;
- қийин хулқ-атворни қандай тузатиш мумкин;
- боланинг овқатланиши;
- болалар касалликлари;
- ўйин орқали ўргатиш;
- шахсий кадр-қиммат ҳиссини ривожлантириш;
- нутқни ривожлантириш;

– ўйинчоқларни танлаш ва ҳ.к.

Сўров варақаси билан ишлаш чоғида кўрсатилган семинар машғулотлари мазмунини батафсилроқ очиб бериш талаб этилади.

Масалан: “Болаларнинг хулқ-атворини шакллантириш методлари” – бу семинарда сизнинг болангиз сизга “йўқ” деб гапирса ёки, мисол учун ўз тенгдошлари билан ёқалашса, унда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги каби масалалар муҳокама қилинади. “Боланинг овқатланиши” – бу семинарда муҳокама мавзуи 3-5 ёшдаги болаларнинг овқатланишини ташкил этишга талаб ва бу ёшдаги болалар қандай овқатларни хуш кўриши масаласига қаратилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, мазмун қанчалик аниқ ифодаланган бўлса, ота-оналар мазкур тадбир ўзларини қизиқтирадими, деган саволни осон ҳал этадилар ва бу нарса уларнинг муҳокамага қатнашиш эҳтимолини оширади.

Ота-оналар одатда кўпроқ банд бўладилар. Уларнинг кўпчилигида қулай вақтни аниқлаб, шунга мос ҳолда ҳамда тезда ўзгартириш мумкин бўлган тарзда жадваллар тузиш зарурдир. Агар МТМда йиғилиш қулай вақтда, яхши ва зерикарли бўлмай ташкил этилса, ота-оналар ёки боланинг яқинлари албатта келадилар.

Бундан ташқари МТМда психологик хизмат ҳам ташкил этилган бўлиб, психологик хизмат мактабгача таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Психологик хизмат мутахассислари барча муаммоларни ҳал қилишда ҳар қайси шахс (педагог, бола, ота-она) манфаати ва унинг ҳар томонлама гармоник ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Психологик хизмат кўрсатиш фаолияти мактабгача таълим муассасасини ҳозирги замон психология фани ютуқлари билан илмий - услубият бўйича таъминлашга, инсоннинг шахсий ва интеллектуал (аклий) жихатидан ривожланишини диагностика қилишга, таълим ва тарбиядаги психологик нуксонларни аниқлашга, энг муҳими мавжуд камчилик ва нуксонларнинг олдини олиш(профилактика)га йўналтирилган бўлиши керак.

МТМ психологининг ота - оналарга тавсиялари:

- ✓ Болангизни дунёқарашини бойитиш мақсадида кўпроқ хар хил воқеаларга бой китобларни ўқиб беринг.
- ✓ Болангиз ойнаи жахондаги баъзи бир кино ва кўрсатувларни кўрсатманг, унинг тарбиясига таъсир этиши мумкин.
- ✓ Болангизни меҳнат кўникмалари шаклланиши учун уй юмушларини қилдириб боринг зеро, меҳнатга бўлган меҳри ошсин.
- ✓ Болангизга мустақил бўлишни ўргатинг, кийиниш, ечиниш малакаларини шакллантиринг.
- ✓ Болангизга катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда муносабатда бўлишга ўргатинг, зеро маънавий ахлоқий малакалари шакллансин.
- ✓ Ўзингизни касбингиз ҳақида гапириб беринг ва ишхонангизга сайрга олиб боринг, касб танлаш эҳтиёжи туғилади.
- ✓ Болангизни тез-тез сайрларга олиб чиқинг, дунёқарашини кенгаяди.
- ✓ Сайр вақтида табиатдаги ранглар, предметлар ва хайвонот дунёси ҳақида тўлиқ тушунча беринг, экологик тарбияси ривожланади.
- ✓ Болангиз савол берса малол олманг, саволларига тўлиқ жавоб беринг, онги ўсади.
- ✓ Болангизга ҳеч қачон эркаланиб гапирманг, нутқи равон ривожланмайди ва сизга тақлид қилиб гапира бошлайди.
- ✓ Болангизни жахли чиқадиган ишлар қилманг, болани асаб тизимига таъсир қилади.
- ✓ Болангизга овқатланиш маданиятига риоя қилишни ўргатинг, маданий гигиеник кўникмалари ривожланади.
- ✓ Болангизга мустақил иш қилишга ўргатинг у катта бўлаётганини хис қилсин.
- ✓ Болангизни оиласини севишга, ардоқлашга ўргатинг, зеро ватан остонадан бошланади.
- ✓ Оилада фарзандингиз билан бир бирингизни тўғри тушуна олишига ҳаракат қилинг.

- ✓ Фарзандингиз тарбияланган муассасада тарбиячи билан қандай муносабатдалигидан хабардор бўлиб тулинг.
- ✓ Фарзандингизни яқин дўстларини кимлигини сўраб билиб тулинг.
- ✓ Фарзандингизни ёшлигиданок уй юмушларига қарашишга ўргатиб боринг.
- ✓ Деярли ҳар куни фарзандингиз билан бирон бир ўйин ўйнанг.
- ✓ Фарзандингиз билан байрамларни биргаликда ўтказишга ҳаракат қилинг.
- ✓ Болалар театри ва кино концертларга бориб тулинг.
- ✓ Саёхатларга туристик юришларга бирга чиқинг.
- ✓ Меҳнат таътилида болаларингиз билан бирга дам олишни уюштиринг.
- ✓ Болалар билан касблар ҳақида суҳбат ва ўйинлар ўтказиб тулинг.
- ✓ Болангиз сўзлаётганда унинг нутқига ҳам эътибор бериб боринг.

2.2 Оилалар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш

Мактабгача ёш боланинг билиш жараёни хусусий амалий йўл билан юзага келади. ҳар бир бола кичик тадқиқотчи. У фаолликни кўради, бола фаолияти қанчалик тўла ва турли – туман бўлса унинг ривожланиши шунчалик осон кечади. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги боланинг энг кенг тарқалган фаолиятлари – ўйин, катталар ва тенгдошлари билан мулоқат, предметли, тасвирий, бадиий театрлашган фаолият, меҳнат жараёнига дастурда катта ўрин берилган. Айнан шу фаолиятлар жараёнида боланинг ақлий тараққиёти, ҳиссий шахсий ривожини юз беради, ахлоқидаги эҳтиётлик, мантиқий тафаккур ўз – ўзини назорат қилиш, ижодий тасаввур каби ҳислатлар таркиб топади.

Тарбиячининг асосий вазифаси болалар кундалик ҳаётини қизиқарли ишлар, муаммолар, ғоялар билан тўлдириш, ҳар бир болани мазмунли фаолиятга жалб этиш, қизиқиш, ҳаётини фаолиятларини қондиришидан иборат. Болалар фаолиятини ташкил этар экан, тарбиячи ҳар бир болада

ташаббускорликка интилиш, турли ҳаётий муаммолардан тўғри йўл топиб чиқиб кета олишга интилишини таркиб топтиради.

“Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди”

номли байрам тадбири

Ассалому алайкум ҳақ йўлида илму одоб ўргатиб миллат фарзандларига зиё улашаётган фидойи устозлар. Билим чўққиларини ўргатишга шайланган касбдошлар. Бугунги ватан мустақиллигининг 14-йиллиги ҳамда билимлар куни арафасида ўтказилаётган тадбиримизга хуш келибсизлар, юртбошимиз И.А. Каримовнинг “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди” шиори асосида бизнинг катта гуруҳ болалари ҳам байрам дастури тайёрлаганлар. Марҳамат, кўриб дам олинглар.

Истиклол ғунчаси гул очган диёр,
Буюк фарзандларга бешик бўлган юрт.
Кўҳна ва навқирон эй бағри баҳор,
Сенга қутлуғ калом Ассалому алайкум!
Сенга минг эҳтиром Ассалому алайкум!

Муסיқа садолари остида болалар залга таклиф қилинади.

Тарбиячи: Болалар, Ўзбекистонимиз қачон мустақил бўлган ?

Бола жавоби: Ўзбекистонимиз 1991 йил 31 августда мустақил бўлди. 1-сентябрда мустақил деб эълон қилинди. Ўзбекистонимиз ўз байроғи, тамғаси, мадҳияси, пул бирлиги, паспорти, конституциясига эга бўлди.

Тарбиячи: Бизнинг юртбошимиз ким ?

Бола жавоби: Юртбошимиз Ислон Абдуғангиевич Каримов Самарқанд шаҳрида хизматчи олиласида дунёга келган. Миллати ўзбек. Ўзбекистонимизнинг биринчи президенти.

Байроғи бор, герби бор,
Эрксевар Ўзбекистон.
Мадҳиянгни куйлайман,
Жонажон Ўзбекистон.

Ўзбекистон Республикаси мадҳияси айтилади.

Ўзбекистон узра ҳилпирар байроқ,
Тинчлик поспонидир ҳамиша, ҳар чок.
Байроқдаги мовий ранг мусаффо осмон,
Унга бошин эгар ҳар мўмин инсон.
Қизил ранг эса томирдаги қон,
Яшил ранг табиатнинг ёрқин тимсоли.
Ярим ой, юлдузлар, мусаффо осмон,
Келажаги буюк ҳур Ўзбекистон.

Тамғамизда тоғлар бор,
Дарёлар бор, боғлар болр.
Ўнг томони пахтазор,
Чап томони буғдойзор.

Чамбаракка ўралган,
Водий узра куёш бор,
Ҳурлигимизнинг рамзи,
Хусо деган қуши бор.

Тарбиячи: Болалар, Ватан бу нима?

Бола жавоби: Ватан бу уйимиз, боғчамиз, мактабимиз, киндик қони
тўкилган жой, бу ҳамма-ҳаммаси Ватандир.

Мустақил заминсан, эй, она диёр,
Қадамнинг теккан жой бўлади гулзор.
Сен менинг ҳаётим, бахту иқболим,
Келажаги буюк Ўзбекистоним.

Ўлка кўпдир дунёда,
Бир-биридан зиёда.
Ўртоқжонлар, дўстларим,
Тингланг юрак сўзларим.

Бир гулистон дейдилар,
Ўзбекистон дейдилар.
Тошкент унинг пойтахти,

Дўстликдан кулган бахти.

Ой бўламиз, той бўламиз,
Шўхликлари сой бўламиз.
Амир Темур бобомиздек,
Ботир хотамтой бўламиз.

Ой бўламиз, той бўламиз,
Сўзи ширин той бўламиз.
Йигитчалар Алпомишу,
Қизлар Барчиной бўламиз.

Кичкинтой деманг бизни,
Ватан дея ёнамиз.
Хушёргина чакқонмиз,
Содик фарзанд бўламиз.

Бир, икки, уч, тўрт,
Санашни ҳам биламиз.
Тўрт муччамиз соппа-соғ,
Соғлом авлод бўламиз.

Мадҳиянг тилда,
Мақоминг дилда.
Байроғинг қўлда,
Ўзбекистоним, Ўзбекистоним.

Сиз айтган ҳар бир жой,
Битта бўстон бўлади.
Ҳаммасини қўшганда,
Ўбекистон бўлади.

Тарбиячи: болалар, бизнинг шиор?

Бизлар ҳам бўлайлик баркамол инсон,
Шунинг учун боғчага келайлик ҳар он.

Тарбиячи: Ҳамма жойда рекламаларга катта эътибор берилгани учун бизнинг боғчамизда ҳам рекламага эътиборсизлик бўлмайди.

1-бола: Агар сиз ҳар хил ўйинлар ўйнамоқчи бўлсангиз.

2-бола: Ўйинга қизиқсангизу ўйин ҳақида бирор-бир маълумотга эга бўлишни хоҳласангиз.

3-бола: Ўйналган ўйинларингизни осон ўйнашни хоҳласангиз, у ҳолда:

4- бола: Биз билан ҳамкорлик қилинг, боғчамизга ташриф буюринг, бизнинг боғча опаларимиз шўх ва қувноқ ўйинлар ўйнатишни асло унутишмайди.

Ҳамма болалар: Биз бунга кафолат берамиз, биз бунга кафолат берамиз.

Кўнгилочар ўйинлар

Мавзу: Сув байрами

Мақсад: Болаларни сув ҳақидаги билимларини ошириш. Сувнинг хусусиятларини, сувдан қандай фойдаланиш кераклигини, сув бу ҳаёт эканлигини ўргатиш, болаларни маданий чиниқтириш кўникмаларини ошириш. Ўйнаб туриб ўйлашга, ўйлаб турибўйнашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши:

Ҳовузчада сувлар мўл,
Сувда сузар ўрдак шўх.
Қурбақалар вақиллар,
Ўрдакларга чўзар қўл.

Тарбиячи: Қурбақа-ю ўрдакчалар қани келинглари, бу ерда сув байрамини нишонлаймиз.

Муסיқа садолари остида қурбақа ва ўрдакчалар кириб келади.

Тарбиячи: Қурбақа-ю ўрдакчалар, ҳовузчамизда сувлар тўлибди, сувда мазза қилиб ўйнаб, ҳар-хил ўйинлар ўйнаймиз. Сеҳрли муסיқа садолари остида сув маликаси пайдо бўлади.

Сув маликаси: Мени билсангиз, сув маликасидурман, сувда ўйнайдиганларга менинг шартим бор. Шу шартни ким бажара олса, шу ҳовузда ўйнаб куладилар. Мен сизларга топишмоқ айтаман. Агар

топишмоқнинг жавобини топсангиз, ҳовузда ўйнаб кулишларингга рухсат бераман.

Мен айтаман топишмоқ,
Шовқин солмангиз бироқ.
Қани дўстлар бўлинг жим,
Дарров топар экан ким.

1. Усиз яшаб бўлмайди,
Қўл юз тоза бўлмайди.

(сув)

2. Боши бору сочи йўқ,
Ёғдан бошқа хуши йўқ.

(Балиқ)

3. Вақ-вақ этади,
Кўлмак сувда туради.

Сув маликаси: Курбақа-ю ўрдакчалар, сизлар жуда билағон бола экансизлар. Сувдан яна қандй фойдаланилади ?

1. Ҳамма ёқни тоза ва озода қилиш учун.
2. Сув бу-ҳаётдир.
3. Сувда гуллар ҳам ўсади.

Сув маликаси: Сувда қандай гуллар ўсади ?

1. Сувда Нилуфар гуллар ўсади. Бизнинг мактабгача таълим муассасамизнинг номи ҳам **“Нилуфар”**.
2. Сувдан бутун борлиқ яшнайдди.
3. Сувни исроф қилмасдан тежаб ишлатиш керак.
4. Сув- бу ёруғлик.
5. Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат.

Сув маликаси: Сизлар сувнинг хуусусиятларини биласизми?

— Ёз фаслида сув қандай бўлади ?

— Иссиқ бўлади.

— Куз фаслида сув қандай бўлади ?

— Совуқ бўлади.

— Қиш фаслида-чи ?

— Сувлар музлайди.

— Баҳор фаслида-чи ?

— Музлаган сувлар эриб, сув ҳолига қайтади.

Сув маликаси: Қурбақа-ю ўрдакчалар, сизларни топқирларингиз, ҳозиржавоблигингиз мени қойил қолдирди. Раҳмат сизларга.

Тарбиячи: Сув маликаси, ҳозир биз болалар билан, сувда ким кўп гул териш мусобақасини ўтказамиз. Сиз ҳам кўриб томоша қилинг. Ҳовуздаги сувга гуллар узилиб ташланади. Қурбақа ва ўрдакчалар гуруҳига бўлиниб, сувдаги гулларни ким кўп теришга рухсат берилади. Гулни кўп терган гуруҳ рағбатлантириб, уларга совға берилади.

Ўйин яқунланади.

Ota-onalar uchun Oila” rasmining tahlili

Sizning oldingizda bolangiz chizgan rasm turibdi. Rasm orqali nimalarni anglash mumkin? Esda tuting, bolangiz chizgan rasmdan o‘z aksingizni topishingiz mumkin. Ular orqali oilangizda yuz berayotgan voqea va xodisalardan ogoh bo‘la olasiz. Rasm orqali oiladagi kelishmovchilik, bolaning ruhiy kechinmalari to‘g‘risida ma’lumotlar olishingiz mumkin.

Ular:

- Oila a`zolarining ba`zi birlari rasmda aks etmasa, demak u shaxs bola uchun ahamiyatsiz, demak rasmda esdan chiqarilgan shaxs bolani hafa qilgan. Aka- ukalarning rasmlari chizilmagan bo'lsa yoki sxemali, yuzsiz, kichik hajmda chizilsa, ota-ona mehriga nisbatan qizg'anchilik, raqobatdan dalolat beradi. Ko'pincha aka-ukalar hayvonlar rasmi orqali tasvirlanadi.

- Ba`zi-bir rasmlarda bola o`zini va o`ziga yaqin odamlarning rasmini chizadi. Ota-onalarini tasvirlashmaydi. Demak, ota-onasi bolaga kam e`tibor berishadi. Bolaning yuz tuzilishlari qalam bilan qattiq yurgizilgan, qo'llari katta-katta chizilgan, demak bola atrofdagilarning muhabbati va diqqatiga sazovor

bo'lish uchun intilayapti. Agar bola faqat o'zinigina ifodalasa, demak bola faqat o'zini o'ylashidan, atrofdagilar bilan muloqotda bo'lmasligidan darak beradi. Aks ettirilgan oila a'zolarining joylashishi va hajmi oilaviy o'zaro muhabbatning psixologik xususiyatlarini ifodalaydi va bola buni qanday sezishini tasavvur etishni ko'rsatadi.

Masalan, rasmda kimning bo'yi eng baland bo'lsa, o'sha oilada bosh bo'ladi, kimning rasmini o'z yonida ifodalasa, o'sha bilan yaxshi muloqotga kirishadi. Agar bola o'zini alohida chizgan bo'lsa, demak bola yolg'izlanib qolgan bo'ladi. Oila a'zolari bir-biriga yaqin joylashtirgan bo'lsa, bola ularni birlashtirishga harakat qilayotganini ko'rsatadi.

Rasm orqali bola o'z fikrini, xohishini, nimadan xavotir olishlarini, nimadan qo'rqishlarini rasmda ifodalab berishlari mumkin. Oila a'zolaridan kim bilan ko'proq birga bo'lsa, o'shaning rasmini chizadi. Odamlarning oyoqlari qalin qilib chizilgan bo'lsa, bu oiladagi kelishmovchilikdan dalolat beradi. Ba'zi bir bolalar otalarini qo'lsiz, og'izsiz chizishadi, demak bu ota og'lini ko'p jazolaganidan, u bilan kam gaplashishidan dalolat beradi. Agar oilada yaxshi munosabat bo'lsa, aks ettirilgan shaxslar yuzida quvnoqlik aks etgan, yaxshi munosabat bo'lmasa, rasmlar sxema usulida berilgan bo'ladi.

Jismoniy tomondan jazolangan bola o'zini juda kichik hajmda aks ettiradi, ota-onasining tishlari va qo'llarini uzun qilib tasvirlashadi. Agar bola qo'llarini qo'lini tepaga qaratib chizsa, bu bolaning vajohatidan dalolat beradi. Agar rasmda oyoqlar proporsional chizilmasa, demak o'sha odamning o'ziga nisbatan ishonchi yo'q. Oyoqlar uzun-uzun qilib chizilsa, bu bolaning mustaqil bo'lishga ehtiyoj borligidan dalolat beradi.

Quyidagi holatlarni rasm orqali izohlasa bo'ladi:

Bola uyini yaxshi ko'radi: hamma oila a'zolarining umumiy faoliyati tasvirlanadi. Hech kim esdan chiqmaydi, qalamda oddiy chiziq bilan rasm solingan, kontur bo'yalmagan, shtrixlanmagan bo'ladi.

Uy sharoiti bolani qoniqtirmaydi: Figura pozalari- vajohatli, ba'zi –bir figuralar o'chirilgan. Ayrim figuralarda ba'zi tana-a'zolari ifodalanmagan. Oila

a`zolarining ayrimlari alohida-alohida aks ettirilgan. Ayrim figuralar bir xil hajmda emas, ayrim oila a`zolari umuman aks ettirilmagan. Kimdir orqasi bilan aks ettirilgan.

Bolaga kam ahamiyat berishadi: Rasm avtori juda kichik hajmda va orqasi bilan aks ettirilgan. Avtor boshqa oila a`zolaridan ajratilgan yoki umuman aks ettirilmagan. Avtor harakatda emas, boshqa oila a`zolari harakatda ifodalangan.

Bolaning holati havotirli. Rasm ichidan shtrixlangan, bo`yalgan, o`chirilgan izi ko`rinib turibdi. Qattiq bosib chizilgan, bir necha chiziq ustma-ust tushgan. Rasm past va tepa tomondan chegaralangan.

Kimni birinchi bo`lib chizsa - u bola uchun aziz inson.

O`zini yirik qilib chizsa – demak, uyda unga ko`proq ahamiyat berishadi.

Yopiq yuz – bola oilada bo`lishni xohlamaydi.

Og`zi, labi katta bo`lsa, vajohat belgisi;

Yoritgich uskunalari, quyosh rasmi chizilsa, oilada iliqlik bor.

2.3 Оила билан ҳамкорликда болани мактабга тайёрлаш имкониятлари

Бола мактабгача таълим муассасаларига қатнай бошлагунига қадар оила унга элементар ҳаракатлардан тортиб, тўп улоқтиришгача бўлган кўпгина нарсаларни ўргатган ҳолда эртак эшитишдан завқ олиш кўникмасини ҳосил қилган бўлади. Боланинг илк ривожланишида оиланинг аҳамиятини етарли баҳолаш жуда қийин. Болалар оилада тарбияланади, унда содир бўладиган воқеалар уларга катта таъсир кўрсатади. Оила, бу – ўз болалари ҳаётида доимий равишда иштирок этадиган, улар тўғрисида қайғурадиган, уларни ўқитадиган, қарорлар қабул қиладиган одамлар.

Оилалар турлича бўлади. Улар кичик, унча катта бўлмаган ёки катта, кенг бўлиши мумкин. Уларда кўплаб ака-ука ва опа-сингиллар ёки биргина бола бўлиши ҳам мумкин. Айрим оилаларда бола асраб олинган бўлади ёки қариндошлари билан яшайди. Бола ота-онасидан ташқари, амма-хола, амаки-тоға, бобо ва буви, оиланинг яқин дўстлари каби кўплаб ўзи учун ҳурматли

бўлган катта ёшдаги кишилар билан мустаҳкам алоқада бўлиши мумкинлиги сабабли ота-оналар билан алоқа ўрнатишни етарли ҳисобламай, бола ҳаётига реал таъсир кўрсатадиган барча кишилар билан ҳамкорлик қилиши керак.

Болаларни ва уларнинг ота-оналарини уйларига кўришга бориш тажрибасидан мактабгача тарбияга оид кўплаб дастурларда фойдаланилади. Одатда йилига икки марта – йил бошида ва охирида оилаларни кўргани бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай ташрифлардан мақсад турлича бўлиши мумкин, лекин оилаларда кўпинча танишиш ҳамда бола ва унинг оиласи билан нисбатан мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун борилади.

Бундай вазиятда баъзан тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам ноқулай аҳволга тушиб қоладилар. Лекин бундай ташрифлар одатдагидек, танишларникига меҳмондорчиликка бориш сифатида олиб қаралса ва ўзини шунга мувофиқ равишда тутса, ҳаммаси силлиқ кечади. Болалар одатда тарбиячининг ташрифидан жуда хурсанд бўладилар. Бинобарин, улар ўз тарбиячисига кўрсатишни истаган барча нарсаларни кўздан кечириш учун вақтни махсус режалаштириш керак. Тарбиячи оила аъзолари билан суҳбатлашганда андармон бўлиб туриши учун болага ўйинчоқ олиб келиш учун.

Ташрифни режалаштирар экан, тарбиячи хушмуомалалик қоидаларига риоя қилиши, ташриф оила учун қулай бўлган вақтда амалга оширилиши керак. Иложи бўлса, уни шундай режалаштириш керакки, ота-она уйда бўлсин. Тарбиячи нима учун келаётгани ва уйда қанча муддат бўлишини тушунтириши лозим, чунки, ота-оналарда ташриф ёмон хабар билан боғлиқ деган хавотир уйғотиши мумкинлигини ҳисобга олиб, унинг мақсадини аввалдан ойдинлаштириш, ҳамда бола боғчада ясаган нарсалардан бирортасини уйга олиб келиш мақсадга мувофиқ. Тарбиячи боланинг уйига келганда, ташрифни мақсади ҳақида яна бир марта эслатиши, агарда асосий мақсад ҳатто ташвишга солаётган қайсидир ишларни муҳокама қилиш бўлса-да, суҳбатни ҳамиша ижобий жиҳатлардан бошлаши унинг қай даражада маҳоратлилигидан далолатдир. Агар ота-оналарга аталган алоҳида хабар

бўлса, уни ёзиб қўйиши, токи ота-оналар кейинчалик уларнинг барчасини қайта ўқиш ва муҳокама қилиш имкониятига эга бўлсинлар. Фақат тарбиячи гапирибгина қолмай, оила аъзолари ўз болалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва хавотирлари тўғрисида сўзлашлари учун вақт қолдиришга имкон яратиш керак.

Хонадонга ташриф буюриш ота-оналар билан бир қаторда, тарбиячиларга ҳам катта фойда келтириши мумкин. Оила шахсий эътиборга лойиқ кўрилди, ота-оналар тарбиячи уларнинг боласи билан қандай муносабатда бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўлдилар. Ўз навбатида, тарбиячи бола ўз вақтининг катта қисмини ўтказадиган уй муҳити билан яқиндан танишади. Агар ота-оналар ва тарбиячиларга ташрифнинг мақсади аниқ бўлса, у келгусида боланинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам берадиган самарали алоқаларни ўрнатиш ва давом эттиришга имкон беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, ота-оналарнинг мустақил таълим бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек МТМларига жалб қилинмаган болалар учун МТМларда, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади. Бу ерда улар ҳафтада 2-3 марта шуғулланишади. Ота-оналарга мактабгача таълим шаклини танлаш ҳуқуқи берилади.

6-7 ёшли боланинг мактаб таълимига тайёрлигини аниқлашда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси билан шуғулланувчилар асосий шарт ҳисобланмиш – боланинг мактабга тайёрлиги мактабгача ва мактаб давридаги ҳаёт тарзи ҳамда фаолияти учун кўприк вазифасини ўташини, оила ёки МТМдаги таълим-тарбия шароитларида мактаб таълимига озорсиз ўтказишни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишлари лозим.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиши ва муносабатларида анчайин жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун болани ёки уйдаёқ мактаб таълимига

тайёрлаш, уни унча қийин бўлмаган билим, тушунча, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади.

Етакчи мутахассисларнинг фикрига кўра «Мактабга тайёргарлик» тушунчаси болани мактабга тайёрлашнинг қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади:

- жисмоний,
- шахсий (рухий),
- ақлий
- махсус тайёргарлик.

Жисмоний тайёргарлик боланинг соғломлиги, ҳаракат кўникмалари ва сифати, қўл мушаклари ва кўриш-мотор мувофиқлиги ривожланганлиги билан изоҳланади. Шахсий тайёрлиги, атроф-муҳитга, катталарга, тенгдошларига, ўсимликлар дунёсига, табиий ҳодисаларга, шахсий маданиятни шаклланганлигини назарда тутди. Ақлий тайёргарлик бола образли ва мантиқий фикрлаши, тасаввурнинг, одамийликнинг, билимга қизиқишнинг, мустақиллигининг, ўзини-ўзи назорат қилишга, ҳамда уқув фаолиятини кузатиш, эшитиш, эслаб қолиш, солиштириш каби асосий турларини билишни ўз ичига олади.

Боланинг мактабда таълим олиши самараси унинг она тилини билишига ва нутқни қанчалик ривожланганлигига кўпроқ боғлиқ бўлади. Чунки бутун ўқув фаолияти шуларга, яъни нутқий мантиқий ривож, боланинг катталарнинг ёрдамсиз мустақил фикрлаши, тил ривожланганлиги ютуқларида эркин фойдалана олиши, ҳикоя қилиш, мулоҳаза юритиш, ўз тасаввурини изоҳлай олиш, тушунарли қилиб баён этиш каби омиллар асосига қурилади. Шунингдек, боланинг мактабда таълим олиши учун амалий интеллект ривож, яъни, унинг намунани чизиш, айтиб туриладиган баёний топширикни бажариши ҳам муҳим саналади. Ва ниҳоят, махсус тайёргарлик болани саводхонликка ўргатиш ва унинг мактабнинг 1-синф ўқув дастур материални етарли даражада эгаллаш ҳақидаги тушунчасини шакллантиришни назарда тутди.

Болаларни мактабда ўқитишнинг самарадорлигини кўп жихатдан уларнинг тайёргарлик даражаларига боғлиқ бўлади. Мактабда ўқишга тайёргарлик – МТМси ва оилада мактабгача тарбия ёшидаги болага кўядиган талаблар орқали аниқланади. Бу талабаларнинг ўзига хос томони боланинг янги ижтимоий психологик ўрни, у бажаришга тайёрланган бўлиши лозим янги вазифа ва бурчлардан келиб чиқади.

Мактабга кириш бола ҳаётидаги одатий турмуш тарзи, атрофдагилар билан муносабат системасининг ўзгаришига алоқадор муҳим даврдир. Бола ҳаётида биринчи бор марказий ўринни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўқув фаолияти эгаллайди. Унга одатий бўлган эркин ўйин фаолиятидан фарқли ўлароқ, энди таълим мажбурий бўлади ва биринчи синф ўқувчисидан 4 та жиддий муносабат талаб қилинади. Таълим фаолиятининг етакчи тури сифатида боланинг кундалик ҳаёт жараёнини қайта куради: кун тартиби ўзгаради, эркин ўйинлар вақти қисқаради. Боланинг мустақиллиги ва уюшганлиги, унинг ишчанлиги ва интизомлиликка талаблар жиддий равишда ортади. Мактабгача ёшдаги болаликка нисбатан ўқувчининг ўз хатти-ҳаракати, мажбуриятларини бажаришга шахсий маъсулияти анча-мунча ортади.

Болаларни мактабга тайёрлаш, биринчидан болалар боғчасида тарбиявий ишни мактабгача тарбия ёшидаги болаларни умумий, ҳар томонлама ривожлантиришнинг юқори даражасини таъминлайдиган, иккинчидан болаларни мактабнинг бошланғич синфларида ўзлаштиришлари лозим бўлган ўқув фанларини эгаллашга махсус тайёрлашни таъминлайдиган қилиб ташкил этилишини назарда тутди. Шунга кўра замонавий психологик-педагогик адабиётда (А.В.Запарожец, А.А.Венгер, Г.М.Лямина, Г.Г.Петрогенко, Ж.В.Тарунтаева ва бошқалар) тайёргарлик тушунчаси бола шахсининг ривожлантириш сифатида аниқланади ва иккита ўзаро боғланган жихатларда: «Мактабга ўқишга умумий психологик тайёргарлик» ва «Махсус тайёргарлик» тарзида кўриб чиқилади.

Мактабга умумий тайёргарлик МТМсининг мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама тарбиялашга оид давомли, мақсадга мувофиқ таълим-тарбиявий ишнинг муҳим якуни сифатида намоён бўлади.

Мактабга умумий тайёргарлик боланинг мактабга бориш вақтига келиб ақлий, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланишда эришган шундай даражасидирки, у боланинг мактаб таълимининг янги шараоитларига ва ўқув материалининг онгли эгаллашга фаол кириб боришлари учун зарур асосни яратади.

Умумий тайёргарлик бола мактаб таълимига ўтиш даврига келиб эришадиган психик ривожланишнинг муаян даражаси билан ифодаланади.

Психологик тайёргарлик тушунчаси мактаб таълими нуктаи-назаридан 1 синфга бораётган бола психик ривожланишидаги муҳим сифат кўрсаткичларини мувоффақиятли жамлайди.

Мактаб таълимига психологик тайёргарлик боланинг ўқишга интилиши ўқувчи бўлиш иштиёқида билиш фаолияти ва тафаккур операцияларининг етарлича юқори даражаси боланинг ўқув фаолияти элементларини эгаллаши ирода ва ижтимоий ривожланишнинг муаян даражасида намоён бўлишда асосланган тайёрликни ўз ичига олади. Болани мактабга психологик тайёргарлигининг барча компонентлари болани синф жамоасига олиб кириш мактабда ўқув материални онгли фаол эгаллаш кенг доирадаги мактабга оид мажбуриятларни бажаришни қамраб олади.

Болани мактабга махсус равишда тайёрлиги мактабда ўқишга умумий психологик тайёрлигига кўшимчадир, у болада математика ва она тили каби ўқув фанларини ўрганиш учун зарур бўлган махсус билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлигига кўра аниқланади. МТМда болаларда энг оддий математика тасаввурларини таркиб топтириш, нутқни ўстириш ҳамда саводни эгаллашга тайёрланиш юзасидан ўтказиладиган жадал иш болаларни мактабда ўқишга махсус тайёрлашнинг зарур даражасини таъминлайди.

Мактабга қатнайдиган бола янги турмуш тарзига кишилар билан ўзаро муносабатнинг янги системасига, фаол ақлий фаолиятга тайёрланган бўлиши

даркор. У янги жиддий мажбуриятларни уддалаши учун жисмоний ривожланишда муаян даражага эришган бўлиши керак.

Боланинг мактабда (ўқишга ахлоқий-иродавий тайёргарлик) умумий тайёрлиги мазмунида бир неча ўзаро боғланган жиҳатлар мавжуд бўлиб, улардан муҳимлари маънавий, иродавий, ақлий, жисмоний тайёргарликдир.

Мактабда ўқишга ахлоқий-иродавий тайёрлик боланинг мактабгача болалик охирига келиб ахлоқий хатти-ҳаракат, ирода, ахлоқий хиссиётлар ва онг ривожидида унга янги ижтимоий нуктаи-назарни фаол эгаллашига ҳамда ўзининг ўқитувчи ва синфдошлари билан ўзаро муносабатларини ахлоқий асосда қуришга имкон берадиган даражага эришишида ифодаланади.

Ахлоқий иродавий тайёрлик катта мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсий хулқ-атвори ривожининг муаян даражасида намоён бўлади. Бу муносабатда боланинг мактабгача тарбия ёши давомида ривожланадиган ўз хулқ-атворини бошқариш қобилияти: қондани ёки тарбиячи талабларини онгли бажариш, дафъатан асабийлашиб кетишига эрк бермаслик, қўйилган мақсадга эришишда қатъиятни намоён қилиш, керакли ишни ўзига тортадиган, аммо мақсаддан чалғитадиганига қарши ўлароқ бажариш кўникмаси ва шу кабилар эътиборга лойиқдир. Булажак ўқувчи хулқ-атвордаги ихтиёрийликнинг ривожланиш асосини мактабгача тарбия ёши охирига келиб таркиб топадиган сабаблар, ўзаро бўйсунувчилари ташкил қилади.

Мактабга ахлоқий-иродавий тайёрликнинг харф топишида, шунингдек катта мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсий хулқ атворидаги мустақиллик уюшганлик ва интизомлилик каби хусусиятлар аҳамиятлидир.

Мустақиллик билан ўзвий боғланган хулқ-атвор қоидаларини бажариш, янги шароитларда ҳаракатнинг тўғри одатий усулларида фойдаланиш, ёрдам беришга тайёрлик қобилиятидир. Мустақиллик ва хулқ-атвордаги уюшганли ва интизомлилик билан хулқ-атвордаги мақсадга йўналганликда, ўз фаолиятини МТМда қабул қилинган қоидаларга мувофиқ онгли ташкил эта билишда, фаолият натижасига эриша билиш ва уни назорат қилиш, ўз

хулқ-атворини бошқа болаларники билан мувофиқлаштириш, ўз хатти-харакатлари учун шахсий маъсулиятни хис қилишда ўз ифодасини топади.

Мактабга ахлоқий-иродавий тайёрликнинг бошқа муҳим таркибий қисми боланинг катта ёшлилар ва тенгқурлари билан ўзаро муносабатларини қоидаларга мувофиқ ташкил эта билишдир. Тажрибанинг кўрсатишича мактабдаги ўқиш шароитларига мослашиш олдинги йилларда болаларда «жамоатчилик» сифатлари: дўстларга нисбатан хайрихоҳ, ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ташкилотчилик кўникмалари, хушмуомалалик, ғамхўрлик билдириш, ўзаро ёрдамга ҳозирликнинг қанчалик мувоффақиятли шакллантирилганлигига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Бола хулқ-атворида жамоачилик ҳисларида бундай мажмуининг мавжудлиги уни мактабга ахлоқий тайёргарлигининг кўрсаткичи бўла олади ва янги жамоада тенгқурлари билан муомалада кўтаринки ижобий рухни юзага келтиради.

Мактабга ахлоқий-иродавий тайёрлик, шунингдек, ахлоқий ҳиссиёт ва бола онги ривожининг муайян даражаси билан ҳам ифодаланади. Бу ўринда энг ибратлиси болаларнинг ахлоқий хулқ атворининг ижтимоий аҳамиятини тушунарли уларда ўз хатти ҳаракатларини мустақил баҳолаш қобилиятини ривожлантириш, маъсулият, ҳақгўйлик, инсонийлик ва фуқаролик ҳиссиётлари элементларини шакллантиришдир. Ахлоқий-иродавий тайёрлик таркибига мактабгача тарбия ёшидаги боланинг меҳнатга муносабатини ифодаловчи сифатлар мажмуи ҳам киради. Бу меҳнат қилиш иштиёки, атрофдагилар меҳнатига ҳурмат, зарур меҳнат малакаларини эгаллашдир.

Мактабга ақлий тайёрликнинг муҳим таркибий қисми мактабга ўқишга кираётган болада атроф, дунё ҳақида етарлича кенг билиш бойлигининг мавжуд бўлишидир. Билимларнинг бу фонди ўқитувчи ўз ишини ташкил этишда таянадиган зарур асос ҳисобланади.

Болани мактабга ақлий тайёрлигида болалар эгаллаган билимларнинг сифати аҳамиятлидир. Билимлар сифатининг кўрсаткичи биринчи навбатда уларни болалар томонидан онгли эгаллаганлиги; тасаввурларининг аниқ ва табақалаштирилганлиги; оддий тушунчалар мазмуни ва ҳажмининг

тўлиқлиги; ўзларига тушунарли ўқув ва амалий вазифаларни хал этишда билимларни мустақил қўллана олиш қобилиятлари; мунтазамлилик, яъни мактабгача тарбия ёшидагиларнинг нарса ва ходисалар ўртасидаги тушунарли, муҳим алоқа ҳамда муносабатларни акс эттира билиш қобилиятидир.

Болани мактабга ақлий тайёргарлигининг таркибий қисми бола билиш фаолиятини муаян даражада ривожланган бўлишидир. Бу ўринда

Биринчидан билиш жараёнининг ўсиб боровчи ихтиёрийлиги; материални маъно жихатдан ихтиёрий эслаб қолиш ва такрор ифодалаш, нарса ва ходисаларни режали идрок этиш, қўйилган билиш ва амалий масалаларни мақсадга мувофиқ хал этиш қобилияти ва шу кабилар;

Иккинчидан билиш жараёнлари сифатини ошириш: сезгиларнинг аниқлиги, идрокнинг тўлиқ ва табақалаштирилганлиги, эслаб қолиш ва такрор ифодалашнинг тез ва аниқлиги;

Учинчидан болада атроф дунёга билиш муносабатлари, билимларни эгаллаш ва мактабда ўқишга интилишнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мактабга ақлий тайёрликни шакллантиришда бўлажак ўқувчини тафаккур фаолиятининг умумий даражаси муҳим аҳамиятга эга. Болалар боғчасининг болаларни ақлий тарбиялашга оид олиб бораётган мунтазам, мақсадга мувофиқ иш шароитларида болаларда (фаолият) тафаккур фаолиятида нарсаларнинг кўп томонлама таҳлил қилиш қобилияти, ижтимоий таркиб топган сенсор эталонлардан фан ҳамда ходисалар хусусият ва сифатларини тадқиқ қилишда фойдалана билиш нарса ва ходисалардаги асосий алоқа, боғлиқлик, белгиларни аниқлаш асосида оддий умумлаштиришлар қилиш қобилияти, ўхшашлик ва фарқланувчи белгиларни изчил ажратиш асосида нарсаларни қиёслашни амалга ошириш кўникмаси таркиб топтиради. Бўлажак ўқувчиларда ақлий фаолиятнинг элементар мустақиллиги: ўз амалий фаолиятни мустақил режалаштириш ва уни режа

асосида амалга ошириш кўникмаси, оддий билиш вазифасини қўйиш ва уни хал этиш кўникмаси ва шу кабилар ривожлантирилади.

Мактабда ақлий тайёрлик, шунингдек болалар томонидан ўқув фаолияти элементларини эгаллаб олинишини ҳам ўз ичига олади.

Болалар мунтазам таълим шароитларида мактабгача болалик охирига келиб, ўқув фаолиятининг асосий таркибий қисмларини: тушунарли ўқув вазифасини қабул қилиш, тарбиячининг кўрсатмаларини тушуниш ва аниқ бажаришни ишни катталар томонидан кўрсатилган усулларида фойдаланиб бажариб бир натижага эришиш, ўз фаолияти, хулқ-атвори, топшириқларни бажариш сифати устидан назорат қилиш кўникмасини, ўзининг ва бошқа болаларнинг ишларига танқидий баҳо бериш қобилиятини, эгаллаб олишлари керак.

Нутқни қанчалик юқори даражада ривожланган бўлиши болани мактабга ақлий тайёргарлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Товушни аниқ талаффуз қилиш, луғатнинг бойлиги, ўз фикрини мантиқий грамматик тўғри баён қила билиш, маданий нутқ муомаласи – буларнинг барчаси мактабда муваффақиятли ўқишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ақлий тайёрлик таркибига шунингдек, саводнинг бошланғич асослари оддий математик тасаввурлар, она тили етарлича кенг билим, кўникма ва малакалар доираси ҳам киради.

Шундай қилиб, мактабдаги ўқишга ақлий тайёрлик болаларни ақлий ва нутқий ривожлантиришнинг ўзаро боғланган таркибий қисмлардан таркиб топади. Билиш фаолияти, билиш қизиқишлари, бола тафаккури усуллари, атроф дунё ҳақидаги анланган системалаштирилган тасаввурлар ҳамда элементлар тасаввурлар, нутқ ва элементар ўқув фаолияти умумий даражасининг бирлиги болаларда мактабдаги ўқув материални эгаллашга ақлий тайёрликни вужудга келтиради.

Болани мактабда ўқишга жисмоний тайёрлиги ўқишнинг муваффақиятли бўлишида катта аҳамиятга эгадир. Мактабга чиқиш муносабати билан бола турмуш тарзининг қайта қурилиши, кун тартибининг

Ўзгариши, жиддий ўқув меҳнати, дарсларнинг давомийлиги ундан сезиларли жисмоний зўр беришни талаб қилади. Мактабга жисмоний тайёрлик кўпгина таркибий қисмлардан таркиб топади. Бу биринчи навбатда бола саломатлигининг яхши бўлиши, организмнинг чиниққанлиги, маълум даражада чидамлилиги ва иш қобилияти, касалликларга қаршилик кўрсата олишидир. Болаларни мактабга тайёрлашда бармоқ майда мускулларининг ривожланиши алоҳида ўрин эгаллайдики, бу ёзувни муваффақиятли эгаллашнинг зарурий шarti.

Мактабга жисмоний тайёрлик шунингдек бола томонидан маданий гигиеник малакаларни эгалланишини, уларда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш одатини тарбиялашни назарда тутди.

Жисмоний тайёрлик бола мактабга етукликни шакллантиришнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади.

Мактабга етукликни аниқлашда бола соғлигининг ҳолати ва организмнинг биологик етуклигини баҳолаш (антропометрик кўрсаткичлар суяк, мушак, нафас олиш ва юрак-томир системасининг) ривожланганлигини назарда тутувчи кўп омилли таҳлилдан, мактабга функционал тайёрликни «Мактабга етуклик»ни асосий кўрсаткичи ва энг аввало бир қатор физиологик функцияларининг ривожланиш даражасини баҳолашдан фойдаланилади. Буларга: партада анчагина узок муддат ўтириш учун зарур бўладиган тормозланиш қобилиятининг ривожланганлиги; ҳаракатларни яхши бошқариш, жумладан ёзиш ва расм солишга алоқадор график вазифаларни бажаришда зарур бўладиган бармоқларнинг майда ҳаракатлари; ижобий ва тормозланишига хос шартли алоқаларни нисбатан тез ҳосил қилиш ҳамда мустаҳкамлаш, шунингдек иккинчи сигнал системанинг етарлича ривожланганлиги таалуқлидир.

Болаларни «Мактабга етуклиги»ни аниқлаш мақсадларида гигиенистлар Керн-Ирасекнинг (ЧССР) тестлари, совет тадқиқотчилари (М.М.Антропова, М.М.Кольцова, Т.С.Сорокина ва бошқалар) томонидан

ишлаб чиқилган методикадан фойдаланадилар. Болаларни текшириш уларни мактабда олти ёшдан ўқишлари мумкинлигини аниқлаш имконини беради.

Болаларни мактабга жисмоний тайёрликларини текшириш натижаси купчилик болаларда унинг асосий кўрсаткичлари норма атрофида эканлигини ва хатто ундан илгариллашини кўрсатди

Кун тартиби, чиниктирувчи муолажалар, мунтазам жисмоний тарбия машғулотлари, хилма-хил ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлар фаол ҳаракат режими болаларни мактабда ўқишига жисмоний тайёрлигини таъминлашнинг зарурий шартлари ҳисобланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар асосан МТМда ва оилада мактабга тайёрланади. МТМларда болаларни ривожланиши ва мактабга тайёрлаш 3 босқичда амалга ошади:

- 1. Болалар нутқини ривожлантириш*
- 2. Жисмонан ривожлантириш*
- 3. Маънан ривожлантириш*

Болаларни мактабга тайёрлашдан мақсади бола шахсини болаларни мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом ва етук мактабга ўқишга тайёрланган тарзи шаклланишдан иборатдир.

1. Жисмоний ривожланганлик даражаси;

- Мустақил тарзда жисмоний машқларни бажара олиш;
- Буйруққа (старт, стоп) асосланиб югура олиш;
- Нарвон ёрдамида тепаликка чиқа олиш ва пастга туша олиш;
- Брусс устида ўтириб олдинга силжий олиш;
- 5 секунд давомида арқонда осилиб туриш;
- Арғимчоқ уча олиш;
- Чекланган саф ва чизик бўйлаб юра олиш;
- Қия қўйилган тахта устидан юриб ўта олиш;
- Бир оёқда қалдирғоч бўлиб тура олиш;

- Оёқ учлари билан буюмларни қисиб кўтариш, пастга суриш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчира олиш;
- Жойидан туриб 15-20 марта сакрай олиш, 70-8- см узунликка сакрай олиш, 30 см баландликдаги тусикдан сакраб ўтиш;
- Тўхтамасдан 2-3 минут давомида югура олиш; 100 метр масофани тўхтамасдан югуриб ўтиш;
- 10 метр масофани эмаклаб ўтиш;
- Сафда тўғри туриш ва сафни узунасига юриш;
- Сафланиш ва қайта сафланишни билиш;
- Мусиқа оҳангига мос ҳолда ҳаракат қила билиш;
- Коптокни ирғитиш ва илиб олиш;
- Илон изи шаклида юриш;
- Тўп-тўп бўлиб айлана бўйлаб юра олиш;
- Халк ўйинлари «Ким чаққон», «Оқ теракми-кўк терак?», «Қуёним қуёним не бўлди?», «Читти гул», «Боғлам-боғлам», «Ким олади шу гинани».

2. Нутқ ва тафаккурни ривожланганлиги.

- Товуш, сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этиши; 3000тадан ортиқ сўзни тушуниш ва билиш;
- Расмга қараб гап тузиш;
- Эртақ ва ҳикояни тинглаш, мазмунини тушуниш;
- Эшитган кичик эртақ ва ҳикояларни қайта сўзлаб бериш;
- Ифодали нутққа эга бўлиш;
- Теварак-атроф, табиат манзараси ҳақида қисқача сўзлаб бериш;
- Ифодали нутққа эга бўлиш;
- Турли мавзудаги 6 та шеърни ёддан айтиш;
- Ота-она, тарбиячи тавсияси билан ҳаётий мавзулар бўйича қисқача ҳикоя тузиш;
- Катталар ва ўртоқлари билан суҳбатда фаол иштирок этиш;
- Катталар ва ўртоқлари билан гаплашиш маданиятига эга бўлиш; ва х.к.

Боланинг тафаккурини ривожланишига оид.

- Ўз фикрини мустақил, эркин баён этиш ва хулоса чиқара олиш;
- Мантикий тафаккур қилиш малакаларига эга бўлиш;
- Тафаккур операциялари (анализ, синтез, умумлаштириш, аниқлаштириш, таққослаш, аналогия ва бошқаларни) ёшига мос ривожланиши;
- Фикрий мушоҳада юритиш;
- Теварак атрофни тўғри идрок этиш;
- Таълимий ўйинлар воситасида тафаккурни пешлаш.
- Гул, дарахт турларини рангига, баргига, мевасига қараб фарқлай олиш.
- Ўз фикрини талаб эҳтиёжларини сўз билан ифодалаш;
- Қирқиб бўлакларга ажратган воқеабанд расмларни териш, яхлитлаш;
- Турли тасвирлардан яхлит образ ярата олиш;
- Геометрик шакллардан маълум мазмунга эга бўлган тасвирлар тузиш;
- Сўзлардан гап туза олиш;
- Ўз фикрини баён этганда таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қила олиш;
- Биринчи ўнликдан сон таркиби (алоҳида birlikдан) ва 2 3 4 5 6 7 8 9 10 сонларини ўзидан кичик бўлган икки кичик сондан таркиб топганлигини билиш;
- Биринчи ўнликдаги ҳар бир сонни қандай ҳосил бўлишини билиш, бунинг учун сон қаторидаги аввалги сонга 1 ни қўшиш ва кейинги сондан 1 ни айириш.
- 0 1 2 3 4 5 6 7 8 9 рақамларини ҳамда + - = ишораларини билиши;
- 1 3 5 0 сўмли пулларни билиш;
- Ўтаётган hafta кунларини кетма-кетлигини, кун қисмларини билиш;
- 10 тагача бўлган бирикмалардан санаш, санаб ажарата олиш;
- Нарсаларни сонини рақам билан мувофиқлаштира олиш;
- Тўғри ва эгри чизиқларни учбурчак тўртбурчакларни бир-биридан фарқлаш ҳамда тасвирлаш.
- Ҳозирги замон техникаси компьютер ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- Экологияни билиш;
- Мевали дарахтларни олма, узум, шафтоли, нок, олча, гилос, олхўри, ўрик номларини билиш ва ҳамда тасаввурга эга бўлиш;
- Манзарали дарахтларни ток, терак, арча, чинор ҳақида тасаввурга эга бўлади;
- Гуллар, атиргул, бойчечак, қокигул, чинни гул, лолақизғалдоқ ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- Сабзаот ва полиз экинларини номларини билиш;
- Хона ўсимликларини бошқа ўсимликлардан фарқи.
- Уй ҳайвонлари кўй, сигир, от, бўри, эшак, ит, мушук, эчки, ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, айиқ, паррандалардан товуқ хўроз, ўрдак, ғоз, хашоратлардан чумоли, ниначи, ари, қўнғиз, капалак номларини билиш ва улар ҳақида тасаввурларга эга бўлиш.
- Қушларни қалдирғоч, чумчуқ, мусича, кабутар, булбул, қарға, тўти номларини билиш ва у ҳақида тасаввурларга эга бўлишлари керак;
- Уй рўзғор, стол, стул, хонтахта, жавон ҳақида тасаввурларга эга бўлиш;
- Уйдаги электр жихозларидан электр чироқ, телевизор, радио, магнитофон, дазмол ҳақида тасаввурларга эга бўлиш;
- Транспорт воситалари велосипед, автобус, автомобил, троллейбус, трамвай, метро, поезд, самолёт ҳақида тасаввурларга эга бўлиш;
- Тоғ, дарё, кўл, боғ, гулзор, пахтазор, экин майдонлари, яйлов ҳақида тасаввурларга эга бўлиш;
- Хаво, сув, қуёш, шамол, булут, ёмғир, қор ҳақида ёшига мос равишда тасаввурларга эга бўлиш;
- Йил фасллари номини кетма-кетлигини табиат ўзгаришлари ҳақида илк тасаввурларга эга бўлиш;
- Кун ва тунни фарқини англаш;
- Эрталаб, кечкурун, пешинни фарқлаши;

3. Маънавий маданий етуклик.

- Она Ватани Ўзбекистон ҳақида қисқача сўзлаб бериш;

- Ўзбекистон байроғи, герби ҳақида фикр;
- Ватан туйғуси, ватанпарварлик хислари ва миллий ғурурни ёшига мос равишда билиши;
- Халқига Ватанига меҳр ва садоқат хисларини шакллантириш;
- Беруний, Ибн Сино, А.Темур, Навоий, Улуғбек, Бобур каби буюк сиймолар ҳақида илк тасаввурга эга бўлиш;
- Миллий байрамлар ҳақида қисқа сўзлаб бериши;
- Тўғри саломлашиш ва хайрлашишни билиши;
- Ўздан катталарга сизлаб мурожаат қилиши;
- Қўлини кўксига қўйиб илтифот кўрсатиши;
- Уйда кўчада меҳмон борлигида киядиган кийимларни фарқланишини ва уларни ўз ўрнида кийиши;
- Ширин сўзли бўлиш ва меҳрибонлик қила билиш;
- Ўтириш ва юриш қоидаларини билиш уларга риоя қилиш;
- Уйда боғчада меҳмонда кўчада ўзини қандай тутиш кераклигини билиш ва унга риоя қилиш;
- Яхшилик ва ёмонликни фарқлаш;
- Ўртоқлари билан биргаликда ўйнай олиш;
- Ўйин майдонида мулоқот қила олиши ва ўртоқларини ранжитмаслик зарурлигини билиш;
- Хол-аҳвол сўрашни билиш;
- Катталар меҳнатини қадрини билиш;
- Ўзига ишониш;
- Ожиз ва кучсизларни ҳимоя қилишни;
- Ўз-ўзига хизмат қила олиши;
- Уйда ёки боғча ховлисида енгил меҳнатларни бажара олиши;
- Ошхона анжомларини чойнак, пиёла, қошиқ, лycopча, пичоқ кабиларни вазифасини билиш;
- Меҳнатсевар бўлиш, яхши одат эканлигини билиш;

- Меҳнатсевар қуролларини теша, болғача, болтача, қайчи, ўрок кабиларни вазифасини билиш;
- Тежамкорлик зарурлиги билиши;
- Ўзини озода тута олиш;
- Тўғри ювиниши;
- Сочик, совун, тиш ювиш пасталари ва чўткасидан тўғри фойдаланиши;
- Мустақил сочни тараш, турмаклаши;
- Мустақил тартибли кийиниш ва ечинишни;
- Кийим, ўйинчоқ ва хона анжомларини ўз жойига қўя билиши;
- Овқатланиш қоидаларини билиши ва унга риоя қилиши;
- Тасвирий санъат асарларидан завқлана олиши керак;

Мактабнинг бола шахсига қўядиган асосий талабларидан бири психологик тайёргарликдир. Боланинг психологик тайёрлиги унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ўзгариши ва кичик мактаб ёш давридаги болалар ўқув фаолиятининг ўзига хослиги билан узвий боғлиқ.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабда психологик аниқ бир мазмун доимий ҳисобланмайди, балки у доимо ўзгариб бoйиб боради. Психологик тайёрликнинг таркибий жиҳатлари: интеллектуал (ақлий), маънавий ва иродавий тайёргарликдан иборатдир.

Аксарият холларда боланинг ақлий рwoжланганлик даражаси ҳақида гапирлиганда унинг сўз бойлиги захираси билан аниқланадиган ақлий билимлари миқдорига кўпроқ эътибор берилади. Ота-она, хатто айрим ўқитувчилар ҳам бола қанчалик кўп билса, у шунчалик рwoжланган бўлади, деб ўйлайдилар. Аслида эса ундай эмас, фан-техника, оммавий ахборот воситаларининг кенг тарқалганлиги туфайли бугунги кун болалари гуё маълумотлар уммонида сузиб юргандек бўлмоқдалар. Бу эса улардаги сўз бойликларнинг кескин ўсишига асос бўлмоқда, лекин бу уларнинг тафаккури ҳам шундай жадалликда рwoжланаяпти, деган гап эмас.

Мактабда амал қилинаётган ўқув дастурларини ўзлаштириш боладан нарсаларни таққослай билиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустақил

хулосалар чиқариш каби билиш жараёнларининг етарлича рвожланган бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мактаб амалиётчи психологлари томонидан болаларни биринчи синфга қабул қилиш жараёнида кенг фойдаланилаётган психодиагностик воситалар, тестлар, сўровномалар, асосан болада юқорида келтириб ўтилган хусусиятнинг рвожланганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган методикалардан иборатдир.

5-7 ёш боланинг мактабга интеллектуал (ақлий) тайёрлигининг яна муҳим кўрсаткичларидан бири бу улардаги образли тафаккурнинг олий даражада рвожланганлигидир. Буларга таянган ҳолда бола атроф-муҳитдаги нарсаларнинг ўртасидаги энг муҳим хусусиятларни, муносабатларни фарқлай олиш имкониятига эга бўлади. Бу ўринда болалар чизмаларни тасвирларни шунчаки тушунибгина қолмай, балки улардан муваффақиятли фойдалана оладиган бўладилар.

Бироқ уларнинг тафаккури умумлаштириш хислатларига эга бўла олмайди, предметлар ва уларнинг (тафаккури) ўрнини босувчилар билан аниқ хатти-ҳаракати образлилигича қолаверади.

Мактабгача ёш давридаёқ бола кичик мактаб ёш даврида етакчи фаолият тури бўладиган – ўқув фаолиятига тайёрланган бўлиши лозим. Бунда болада маълум бир тегишли масалаларнинг шаклланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай малакаларнинг асосий хусусиятларидан бири боланинг ўқув топшириғини ажратиш олиши ва фаолиятни мустақил мақсадга айлантира олишидир. Бундай жараёнлар биринчи синф ўқувчиларидан топшириқда ўзи белгилаган ўзгариш, янгилик аломатларини қидириб топа билиш ва улардан ҳайратланишни, қизиқишни талаб қилади. Бундай топшириқлар амалий ишларга айлантирилса ёки ўйин тарзида бажарилса, осонроқ кечади ва бола ўзлаштиради.

Юқорида тўхталиб ўтганимиз интеллектуал тайёрлик боланинг мактабда муваффақиятли ўқиш кетиши учун ягона замин эмас.

Агар бола зарур малака ва кўникмалар захирасига эга бўлса, унда интеллектуал рвожланганлик даражаси ҳам юқори бўлса-ю ўқувчиликнинг

ижтимоий ҳолатига шахсан тайёр бўлмаса, мактабда ўқиб кетиши қийин кечади. Агар ўқитувчи ёки ота-она уни ўқишга қизиқтира олмасалар, ўқув вазифаларини зўрма-зўраки, сифатсиз, қўл учида бажарадилар. Бундайларда зарур натижаларга эришиш қийин бўлади.

Энг ёмони, бу ёшда мактабга боришни хохламайдиган болалар ҳам учраб туради. 5-7 ёшли боланинг мактабга боришдан бош тортиши асосан уни тарбиялашда ота-оналар томонидан йўл қўйилган хатонинг оқибати ҳисобланади. Айрим ота-оналарда мактабгача ёш давридаги болани мактаб билан кўрқитиш ҳоллари ҳам кузатилади.

- *Иккита гапни эплаб гапир олмасанг, мактабда қандай ўқийсан?*
- *Санашни билмайсан-у, мактабга қандай борасан?*
- *Мактабга борсанг, ўртоқларинг бу қилигингдан кулишади!*
- *Ҳеч нарсани билмайсан, мактабга борсанг бизни уялтирасан!*

Каби таъна-дашномлар, болада мактабдан кўрқиш, ундан хавфсирашнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Шундай кўрқув билан мактабга борган болаларнинг мактабга бўлган муносабатини ўзгартириш, уларда ўзига нисбатан ишонч уйғотиш учун хаддан зиёд куч, вақт, меҳнат, сабр-тоқат, чидам, эътибор зарур бўлади. Бу эса болада олдиндан мактабга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга қараганда шубҳасиз, мураккаб жараёндир.

Болани биринчи синфда ўқитишда юзага келадиган қийинчиликларнинг сабаби катталарнинг бола билан бўладиган мулоқотлари шакли у ёки бу вазиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда, шахсий аҳамиятга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай мулоқот боланинг катталар эътиборига ва ҳамдардлигига бўлган эҳтиёж ва эҳтиёжларни катталар томонидан қондирилиши билан характерланади. Мулоқотнинг бу шаклига эришган болалар учун катталарга эътибор, улар мурожаатини тинглаш ва тушунишга интилиш ва катталар томонидан ҳам уларга нисбатан шундай эътибор кўрсатилишига бўлган ишонч хосдир. Бундай болалар катталарнинг турли вазиятларда (кўчада, уйда, меҳмонда, ишхонада) ўзларини қандай

тутишларини фарқлай оладилар. Катталарнинг бундай хулқни англаш эвазига болалар ҳам катталарга, ўқитувчиларга, шу вазиятга мос равишда муносабатларни намоён қилади. Агар болада катталарга нисбатан бундай муносабатлар шаклланмаган бўлса, унга мос равишда катталарга нисбатан ҳам тегишли муносабат юзага келмайди, бу эса албатта бола билан олиб бориладиган таълим жараёнини мураккаблаштиради.

Ота-оналар ҳар бир бола рухий ривожланишида ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги ва бу хусусиятлар уларнинг у ёки бу фаолият турини эгаллашида намоён бўлишини ёдда тутишлари лозим. Баъзи болалар эндигина биринчи сўзларни ўзлаштирганларида уларнинг тенгқурлари аллақачон маълум бир иборалар билан гаплаша оладиган бўладилар.

Таълим жараёнида бола имкониятларининг намоён бўлиши маълум даражада наслий омиллар билан ҳам боғлиқдир.

Болалар ўз темперамент хусусиятларига кўра ҳам бир-бирларидан ажралиб турадилар:

- Хушчакчак, сергап, кувноқ, ҳаётнинг ўзгарувчан шароитларига тез мослаша оладиган болалар – сангвинник темпераментга мансуб бўладилар.
- Купинча нохуш кайфиятда юрадиган, таъсирчан, камгап, суст болалар – меланхолик темпераментга кирадилар.
- Хотиржам, бефарқ, камҳаракат, нутқи суст болалар – флегматиклардир.
- Жахлдор, бетоқат, серзарда, ҳаракатчан болалар – холерик ҳисобланадилар.

Болалар катталарнинг ёрдамига мухтож бўлишига караб ҳам бир-бирларидан фарқ киладилар. Баъзи болалар бирор хатти-ҳаракатни бажаришни бир неча марта кўрсатиш, тушунтириш, кетидан эргаштириш керак. Бошқа болаларга эса бажариладиган иш бир маротаба кўрсатилса етарли бўлади. Шундай болалар ҳам борки, улар берилган вазифани мустақил бажарадилар.

Болалар ўзларини қизиқувчанлик, ақлий фаолликларига қараб ҳам бир-бирларидан ажралиб турадилар. Баъзи болалар кўп савол берадилар ва ҳаракатчан бўладилар, баъзи болаларни эса ҳеч нарса қизиқтирмайди.

Ота-оналар болаларидаги ўзига хосликларни қанчалик чуқур билсалар, уларга ўргатишни мувоффақиятли ташкил қила оладилар.

Хулоса қилиб айтганда болаларнинг мактабга психалогик тайёргарлиги кенг ва мукамал бўлиб ривожланган бўлиши даркор. Болаларга қанчалик яхши билим берсак, ўйлайманки улар келажакда Ватанга садоқат руҳида, етук инсон бўлиб етишадилар. Демак, тарбиячи бола шахсида ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш учун ҳамма восита ва методларни қўлласа, яхши ҳулқ намуналарини ўргатиш анча осон кечади.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Мактабгача таълим муассасасаларида муваффақиятли фаолият олиб боришда маҳоратли педагог болалар ва уларнинг хатти-ҳаракати юзасидан оилалар билан самимий алоқада бўлиши ниҳоятда муҳим. МТМ ва оила бири бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳамда улар ўртасида алоқа қанчалик яхши йўлга қўйилса, бола шунча кўп ёрдам олади ҳамда унинг дастлабки таълим тажрибаси муваффақиятли бўлиши эҳтимоли ортади. Тиғиз иш шароитида оила билан доимий алоқа учун вақт топиш ҳамиша ҳам осон эмас, лекин тарбиячилар боланинг муваффақиятлари учун уни жуда муҳим деб ҳисоблашса, у кундалик ишнинг бир қисмига айланиши зарур.

“Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом” каби муҳим давлат ҳужжатида МТМда таълим жараёнининг қатнашчилари қуйидагича белгилаб қўйилган: мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимлар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Болаларни қабул қилишда мактабгача таълим муассасаси ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни муассасанинг устави ва унинг фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар билан таништириши шарт.

Мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан тартибга солинади. Шартнома ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парвариш қилиш жараёнида пайдо бўладиган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ўз ичига олади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходимлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, боланинг шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий хусусиятларига мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

МТМ тарбиячилари оиланинг болани илк тарбиячиси сифатидаги устивор мавқеини эътироф этишлари жуда муҳим. Замонавий МТМ тарбиячиси ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир. Бола воситасида оила билан мулоқот қилиш – мураббийлар жамоаси мажбуриятларининг муҳим қисми ҳисобланади. Барча оилалар ўз болаларининг бахт-саодатидан манфаатдор ва уларнинг яхши ва мамнуният билан ўқишларини истайдилар. Шунинг учун оила аъзолари унинг ютуқларидан хабардор бўлишни хоҳлайдилар.

Педагоглар ота-оналар билан бола ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштириш ва имкон қадар самарали ишлаш учун боланинг уйдаги ва МТМдаги ҳолати, унинг кучли ва заиф томонларини, ташвиш туғдирадиган барча жиҳатларни мамнуният билан муҳокама қилишлари керак.

Махоратли МТМ тарбиячиси оилалар билан алоқа қилишда қуйидаги тамойилларга риоя қилади:

- Вақт топади, имконият яратади ҳамда ота-оналарнинг ўз фикр-мулоҳазалари, қувончлари, ташвишлари ва ниятларини гапириб беришларини қўллаб-қувватлайди.
- Кўз-кўзга тушиб суҳбат қилиш мумкин бўлган жойни танлайди ва маълумотларга ҳамиша махфий сир сифатида муносабатда бўлади.
- Оилалар тарбиячилар билан энг шахсий маълумотларни ўртоқлашадилар, бинобарин, уларни сир сақлаш муҳим.

Тарбиячилар ва болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлиши керак. Болалар боғчасида гуруҳ деб аталувчи уюшмада ҳурмат зарур таркибий элемент ҳисобланади. Тарбиячилар улар болалардан кутадиган ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш ва бир-бирига ғамхўрлик кўрсатишда намуна бўладилар. Болалар бошқа болалар билан ижодий ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворини қўяди.

Маҳоратли педагог томонидан болалар боғчаси ҳаётига эркакларни ҳам жалб қилиш, ҳар бир бола уларнинг ҳам ардоғида бўлишини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш лозим. Баъзан кун тартиби ёки биринчи учрашув оналар билан бўлгани сабаб эркаклар бу ишдан четда қолиб кетадилар.

Оталарнинг МТМдаги педагогик жараёнларга қай тарзда иштирок этишларини аниқлаштириш, яъни улар балким, устачилик қилишни, овқат тайёрлашни биладилар ёки санъатдан машғулот ўтказиш учун хонани жиҳозлашга ёрдам беришлари мумкин.

Бундан ташқари МТМда психологик хизмат ҳам ташкил этилган бўлиб, психологик хизмат мактабгача таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Психологик хизмат мутахассислари барча муаммоларни ҳал қилишда ҳар қайси шахс (педагог, бола, ота-она) манфаати ва унинг ҳар томонлама гармоник ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Психологик хизмат кўрсатиш фаолияти мактабгача таълим муассасасини ҳозирги замон психология фани ютуқлари билан илмий - услубият бўйича таъминлашга, инсоннинг шахсий ва интеллектуал (аклий) жихатидан ривожланишини диагностика қилишга, таълим ва тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлашга, энг муҳими мавжуд камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш (профилактика)га йўналтирилган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O‘zbekiston Respublikasining Kadrlar tayyorlash milliy dasturi – Toshkent: “Adolat”, 1998.
2. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori // O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida»gi Qonuni. 5-modda. T.: O‘zbekiston, 1997. B.21
3. Karimov I. A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz. – Toshkent: “O‘zbekiston”, 2000.
4. Karimov I.A. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. – Toshkent: “Sharq”, 1997.
5. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma’naviyat, 2008. – 176 b.
6. "Bolajon" tayanch dasturi – Toshkent – 2010y.
7. “Bola shaxsini rivojlanishining dolzarb muammolari” II Xalqaro ilmiy – amaliy anjumanining tezis va maqolalar to‘plami, 2008 yil.
8. “Maktabgacha ta’lim tizimiga doir huquqiy – me’oriy hujjatlar to‘plami”, 2009 yil.
9. “Uchinchi mingyillikning bolasi.” tayanch dasturi va o‘quv qo‘llanmasi Tuzuvchilar: M.Sh.Rasuleva, S.S.Mirdjalilova va boshqalar. “Ma’rifat- madadkor” T.: 2000.
10. “O‘zbekistonda maktabgacha ta’lim tizimini modernizatsiyalash – yuksak ma’naviyatli kelajak avlodni tarbiyalash negizidir” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. Toshkent – 2009 yil.
11. G‘oziyev E. Tafakkur psixologiyasi. – Toshkent: “O‘qituvchi”, 1990.
12. Bekmatova O. A. va boshqalar “Quvnoq harflar” Toshkent-2000
13. Bo‘tayeveva U., K.Oqilova. Maktabgacha yoshidagi bolalarni shakllantirishda o‘yin-mashg‘ulotlarning o‘rni // metodik tavsiyanoma Samarqand 2009 y. 24 b
14. Vaxobova F.N., M. Sh. Rasulova va boshqalar “Maktabgacha yoshdagi bolalar ta’lim-tarbiyasiga qo‘yiladigan davlat talablari” Toshkent- 2008.
15. Vaxobova F.N., M. Sh. Rasulova va boshqalar "Maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo‘yiladigan davlat talablari" Toshkent- 2008y.
16. Jalolova G. “Bolalarni maktabga tayyorlashda noan’anaviy o‘yinlardan foydalanish” Toshkent 2004.
17. Karimov M. va M.Ikromova “Raqs elementlari orqali bolalarni jismoniy rivojlantirish” metodik qo‘llanma, 2008 yil

18. Kirsten A., Xansen, Roksana K. Kaufmann, Keyt Berk Uolsh. Bolaga mo'ljallangan dasturni tashkil etish // So'z boshi Pamela A.Koglinniki/ Toshkent 2005. 246 b.
19. Qodirova F.R., M.Fayzullayeva. "Katta guruh tarbiyachilari uchun nutq o'stirish mashg'uloti ishlanmalari" (metodik qo'llanma) T.: 2007.
20. Qodirova F.R., M.Fayzullayeva, M. Rustamova. "Tayyorlov guruh tarbiyachilari uchun nutq o'stirish mashg'uloti ishlanmalari" (metodik qo'llanma) T.: 2010.
21. Qodirova F.R., R. M.Qodirova "Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi " Toshkent- 2006y
22. Qodirova F.R., R.M.Qodirova «Maktabgacha yoshdagi bolalarni ikkinchi tilga o'rgatish metodikasi» Dastur va o'quv qo'llanma. Toshkent, 2007.
23. Qoraboyeva D., Z.Ibroximova va boshqalar "Uchinchi mingyillikning bolasi" tayanch dasturi va o'quv qo'llanmasi uchun badiiy to'plam. (she'r, hikoya, ertak va topishmoqlar). Toshkent 2006.
24. Maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan Davlat talablari. Toshkent – 2008.
25. Mahkamjonov K.M., M.Sh.Rasuleva va bosh. "Maktabgacha yoshdagi bolalarning umumiy va kengaytirilgan jismoniy tarbiyasi", "Ilm Ziyo" nash. T.: 2006
26. Mirdjalilova S., R.To'laganova "Ta'limda innovatsiya", "Ta'lim jarayonida pedagogik texnologiyalar" metodik tavsiyanoma, 2008 yil
27. Muminova, Sobirova va boshqalar. «Bolalar bog'chasida ta'lim-tarbiya dasturlari»
28. Mo'minova L. R."Maktabgacha yoshdagi bolalarni savodga o'rgatish dasturi" Toshkent-1996.
29. Nazarova F. "Maktabgacha ta'lim muassasalarida psixologik xizmat va me'yoriy hujjatlar", 2007 yil.
30. Nazirova G.M. Maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish // o'quv qo'llanma. T.: Fan va texnologiyalar. 2014 80 b.
31. Nedopekina E.T., A.V. Nikol'skaya «Maktab bo'sag'asida» «O'qituvchi» T: 1971 y.
32. Nizomova K. "6 yoshli bolalarni maktabga tayyorlash va maktabga moslashuvini o'rganish" \ metodik qo'llanma. Toshkent 2006.
33. Nurkeldiyeva D. A. va boshqalar "Barmoqlar mashqi va logopedik o'yinlar". Toshkent 2007.

34. Ravshanova N. “Maktabgacha ta’lim muassasalarida ekologik ta’lim – tarbiya” bo’yicha tuzilgan namunaviy dastur va o‘quv qo‘llanma. Ilm Ziyo nash. T.: 2006
35. Rasulova M., D.Abdullayeva, S.Oxunjonova, «Bolalarni maktabga psixologik tayyorgarligi» Toshkent-2004 yil.
36. Rasulova M. va b. «Uchinchi ming yillikning bolasi» tayanch dasturi. T: 2002.
37. Raximova N. “Kuyla, oftobim”. Toshkent 2006.
38. Rahmonqulova Z. «Maktabgacha kichik yoshdagi bolalarda ilk matematik tasavvurlarini shakllantirish» \\\ metodik qo‘llanma. T.: 2007.
39. Raxmonqulova Z., N.Qurbonova “Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarini shakllantirish” \\\ metodik qo‘llanma, 2009 yil.
40. Rustamova M., D.Djumanova “Pedagog kadrlar salohiyatini oshirishda metodik birlashmalarning o‘rni” \\\ metodik tavsiyanoma, 2008 yil.
41. Sadatov Ch. X. Bolalarni maktabga tayyorlash metodikasi. Termiz: - 2008.
42. Safarova R. va boshqalar” Savod o‘rgatish darslari”, Toshkent: - 2003.
43. Sodiqov A.R., A.Mirzaahmedov “Maktabgacha va maktab yoshidagi bolalarni ovqatlantirish” ilmiy – uslubiy qo‘llanma, 2008 yil.
44. Sodiqov A.R., A.Mirzaahmedov “Ovqatlantirishni tashkil etish va me`yoriy hujjatlarning yuritilish tartibi”, metodik qo‘llanma. Toshkent, 2007 yil.
45. Turg‘unov S.T., va b. O‘qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda ta’lim muassasasi rahbarlarining funksional vazifalari: (o‘quv qo‘llanma) - T.: “Sano-Standart”, 2011. – 162 b.
46. Turg‘unov S.T. va boshqalar. Pedagogik jarayonlarni tashkil etish va boshqarish texnologiyalari. T.: “Sano-Standart”, 2012. – 100 b.
47. Turg‘unov S.T., Axmadjonova N.M. Maktabgacha ta’lim muassasalarida boshqaruv faoliyati algoritmi. // Xalq ta’limi. – Toshkent, 2012. – №1. – B. 133-134
48. Usmonxo‘jayev T.S., Islomova S.T. “Maktabgacha ta’lim muassasalarida jismoniy tarbiya” “Ilm Ziyo” nash. T.: 2006
49. O‘zbekiston Respublikasida maktabgacha ta’lim konsepsiyasi. Qodirova F.R., Qodirova R.M., Vahobova F.N. – T.: 2008.
50. Fayziyeva U. “Maktabgacha yoshdagi eshitishida muammosi bo‘lgan bolalar ta’limi”. T.: 2006
51. Sharipova D. “Agar bolam sog‘lom bo‘lsin desangiz” va boshqalar (Ota-onalarga maktabgacha yoshdagi bolalarning gigiyenik tarbiyasi haqida) Metodik qo‘llanma. T.: 2006.

52. Sharipova D.J. "Ota-onalarga maktabgacha yoshdagi bolalarning gigiyenik tarbiyasi haqida" Ilm Ziyo nash. T.: 2007
53. Shodiyeva Q. "Maktabgacha yoshdagi bolalarni to'g'ri talaffuzga o'rgatish" Toshkent: - 1995.
54. Shodmonova Sh., «Maktabgacha ta'lim pedagogikasi» Toshkent: - 2003.
55. Shomurotova Z. "Tovushlarning me'yoriy talaffuzi" – Toshkent.: - 2007.
56. Yusupova P. «Maktabgacha tarbiya pedagogikasi» «O'qituvchi» T-1993y.
57. Xasanboyev J., X.To'raqulov, M.Haydarov, O.Xasanboyeva, N.Usmanov. Pedagogika fanidan izohli lug'at. T.: "Fan va texnologiya", 2009. 672 bet.
58. <http://eduportal.uz/uzb/info/axborot/59uzb/priloj/>
59. http://fkr.uz/posts/Fikr_maktabgacha_talim/10138.html
60. http://fkr.uz/posts/Fikr_maktabgacha_talim/10839.html
61. http://fkr.uz/posts/talim_fan_taraqqiyoti/9656.html
62. <http://opi.nuu.uz/>
63. <http://uznet.biz/bolajonim/psixologiya/6-yoshli-bolalarni-maktabga-tayyorligini-aniqlash-boyicha-metodik-tavsiya>
64. <http://uznet.biz/bolajonim/psixologiya/PSIXOLOGIK-OYINLAR>
65. <http://www.gov.uz/uz/citizen/education/960>
66. <http://www.rtm.uz/blog/2012/11/barkamol-avlodni-shakllantirishda-oila-mahalla-va-uzluksiz-talimining-hamkorligi>
67. <http://ziyonet.uz/uzl/education/system/preschool/>
68. <http://ziyonet.uz/uzl/education/system/preschool/>